Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 31 июль, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 62 (7155)

Da`vat

Агар инсон бирор касбни мукаммал эгалласа, меҳнат унга ҳузур бағишлайди, бахт келтиради.

Андре МОРУА

Ibrat

Касби туман касаба уюшмаси томонидан кам таъминланган оила фарзандларига дарсликлар сотиб олиш учун ўн бир минг сўм ажратилди. Шунингдек, тумандаги 100 нафар ўқитувчига моддий ёрдам ажратилди.

«УМИД» ЖАМҒАРМАСИ ГРАНТЛАРИНИНГ СОҲИБЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим!

Аввало, сизларни энг тараққий топган давлатларнинг нуфузли университетларида таҳсил олиш ҳуқуқини қўлга киритганингиз билан чин қалбимдан табриклайман.

Бу ютуққа ҳар бирингиз албатта машаққатли меҳнатингиз, ақл-заковат, қобилият ва мустаҳкам иродангиз туфайли эришганингиз табиийдир.

Мен шундан беҳад хурсандманки, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюк мутафаккир ва алломалар муқаддас заминимизга сочиб кетган илму маърифат уруғлари бугун сиз ва сизга ўхшаган ёшлар тимсолида яна ҳосил бермоқда.

Бутун дунё танийдиган бу улуғ зотларга муносиб ворис бўлиб, ўз қадриятларимизни улуғлаб, жаҳон илму фани ютуқларини чуқур ўзлаштирган ҳолда ўзликни намоён этиш, эл-улусга хизмат қилишдек эзгу мақсад билан яшаш — ҳар қайси инсон учун юксак бахтдир.

Қаерда бўлсангиз ҳам бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигингизни истардим: сизнинг меҳнатингиз, эришаётган ютуқларингиз, эртанги ҳаётингиз халқимизнинг, Ватанимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлади.

Меҳрибон ота-оналарингиз, ёру биродарларингиз, устоз муаллимларингиз, маҳаллакўй, айниқса, қадрдон тенгдошларингиз сиз билан фахр этади, сизнинг йўлингизни кузатади ва она юртимизга қайтишингизни интизорлик билан кутади.

Шундай эътиборга доимо муносиб бўлинглар, азиз болаларим.

Бугун сизлар каби чет элларга билим ва тажриба ўрганиш учун кетаётганлар сони унчалик кўп эмас. Лекин мамлакатимиз бойиб, имкониятлари кенгайгани сари сизнинг сафларингиз ҳам кенгаяди, минг-минглаб ёшлар қаторингизга қўшилиб бораверади.

Бу орзу-умидларимиз албатта рўёбга чиқади, иншооло.

Кўп қатори мен шунга ишонаманки, сизлар ўқишни тугатиб, Ватанимизга қайтгач, ўз билим ва салоҳиятингиз билан Ўзбекистон равнақи, XXI асрда юртимизнинг тараққий топган давлатлар сафидан жой олиши, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб ҳисса қўшасизлар.

Азиз фарзандларим!

Барчангизни яна бир бор бағримга босиб, сизларга оқ йўл тилайман. Оллоҳ таоло сизларни ўз паноҳида асрасин, олижаноб интилишларингиз амалга ошишида боболаримизнинг руҳи мададкор бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

УЧ АСОСИЙ ВАЗИФА

27 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳамда иқтисодиётни ривожлантириш устувор йўналишларинг амалга оширилишига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Мустақиллигимизнинг саккизинчи йили Президентимиз таъбири билан айтганда «... янги аср арафасида иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришга қаратилган йирик миқёсдаги дастур учун мустаҳкам замин ва пойдевор бўлиб хизмат қилиши керак». Иморатнинг боқийлиги пойдеворига боғлиқлигини назарда тутган ҳолда мажлисда барча соҳа ва йўналишлар бўйича қилинган чуқур таҳлиллардан аниқ хулосалар чиқарилди. Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида асосан беш муҳим масалага, яъни макроиқтисодий барқарорлик, аҳоли ижтимоий муҳофазаси , ғалла мустақиллигини мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан янгилаш ҳамда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга алоҳида тўхталди. Эришилган салмоқли муваффақиятларимиз ва камчиликларимиз аниқ факт ва рақамлар асосида кўрсатиб берилди. Жумладан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, қурилиш-пудрат ишлари ҳажми сезиларли равишда ошганлиги қувонарли ҳол. Бу эса аҳоли ижтимоий муҳофазаси борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар кўламини ҳам кенгайтиришга маълум даражада имконият туғдирди. Нутқда таъкидланишича: «Куни кеча 1 августдан эътиборан ўртача иш ҳақи, стипендиялар, пенсия ва нафақаларни 1,4 баробар ошириш ҳақида Фармон қабул қилинди. Агар январь ойидаги иш ҳақи ва пенсия, стипендияларнинг оширилганини қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, бу рақам йил бўйича 1,7 баробарни ташкил этади. Бу тахмин қилинган инфляция, яъни нарх ошиши суръатларига нисбатан 3 марта кўпдир. Иш ҳақини ошириш учун қўшимча 50 миллиард сўмлик бюджет маблағлари қидирилиб топилди».

Юртбошимиз ўз нутқида барча ислоҳотларнинг ижрочилари бўлмиш – кадрларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди: «Давлат таълим андозалари бўйича 348 та лойиҳа, ўрта профессионал таълим бўйича 704 та мутахассисликка 350 та янги ўқув режалари ва дастурлари тайёрланди. 1999 йилда ташкил этилаётган 14 та академик лицей ва 103 та касб-ҳунар коллежларини кадрлар билан таъминлаш мақсадида 2,6 минг инженер-педагог кадрлар қайта тайёрлашдан ўтказилди.

Таъмирланадиган ва янги қуриладиган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг аниқ рўйхати тузилди. Қурилажак барча объектларни тендер асосида лойиҳалаш ишлари ниҳоясига етказилиб, экспертлар назаридан ўтказилди. Кенг кўламда пудрат савдоси амалга оширилди. 1999 йилда ишга тушириш режалаштирилган 115 та объектнинг барчасида қурилиш-монтаж ишлари деярли ниҳоясига етказилмоқда.

Айни пайтда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қурилиши учун ажратилган капитал маблағларининг йиллик ҳажми мамлакат бўйича 48,6 фоизга, жумладан, Сурхондарё вилоятида атиги 37,3 фоизга, Навоий ва Наманган вилоятларида 38,5 фоизга, Қашқадарё вилоятида эса 42,7 фоизга ўзлаштирилгани бизни ташвишлантирмай қолмайди.

Ижтимоий мажмуа (Ҳ.Кароматов), қурилиш ва саноат материаллари мажмуи (А.Исаев) раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, барча шаҳар ва туман ҳокимлари 1999 йилда қуриб ишга тушириш мўлжалланган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг қурилишини ниҳоясига етказиш, уларни янги ўқув йилига тайёрлаш бўйича шошилинч чоралар кўришлари керак».

Президентимиз Ислом Каримов барча соҳаларда олиб борилаётган иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларнинг бориш маромини чуқур ва атрофлича таҳлил қила туриб, юқорида қайд этилган ижобий кўрсаткичлар хотиржам бўлишга асос бўла олмаслигини, муаммо ва нуқсонларимиз ҳали кўплигини айтди. Уларни келтириб чиқараётган омиллар ҳақида гап кетганда, айрим ҳолларда асосий сабаб четдан қидирилиши, яъни қўшни мамлакатлардаги иқтисодий бўҳронлар билан хаспўшланишини таъкидлаб, юртбошимиз «...асосий сабаб, бизнинг ўзимиздадир», деди. Ҳозир эски билим ва тажриба билан узоққа бориб бўлмаслигини таъкидлаб, Президентимиз шиддат билан тўхтовсиз олға бораётган вақт, замонга эргашиш учун унинг қўяётган талабларига ўз вақтида мослашишимиз барча ютуқларимиз гарови бўлажагига алоҳида урғу берди.

Республикамиз раҳбари ўз нутқи сўнгида уч муҳим вазифага эътиборимизни қаратди: **«Бугунги кундаги асосий вазифамиз** – танлаб олган ислоҳотлар ва янгиланиш йўлимиздан орқага қайтмаслик, Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маърузасида баён қилинган иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт стратегиямизнинг асосий йўналишларини амалга оширишдир.

Бугунги кундаги асосий вазифамиз — халқ турмушини яхшилашдир, токи диёримизда яшаётган ҳар бир инсон ўзи ва ўз оиласи мисолида ўз фаровонлиги ортиб бораётганини ҳис қила олсин.

Бугунги кундаги асосий вазифамиз – мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро обрўсини ошириш, хонадонимиздаги хавфсизлик, барқарорлик, тинчлик ва тотувликка нисбатан бўлаётган ҳар турли таҳдид ва хавф-хатарларга нисбатан огоҳ ва ҳушёр туришдир».

Албатта, бу республикамизнинг ҳар бир фуқароси зиммасига юкланган масъулият. Уларни бажариш баробарида ҳар биримиз ўз тақдиримизни, ўз келажагимизни яратамиз.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан ўзбек миллатининг шон-шуҳратини юксалтиришдаги хизматлари, ёшларга коинот сирларини ўргатиш, уларни ватанпарварлик ва дўстлик руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси учун космонавт Солижон Шарипов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Валерий Йўлдошевич Отаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинланди ва шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазири вазифасидан озод қилинди.

• Америка маъмурияти Россиянинг 14-армиясига қарашли бўлган қурол-яроғлар йиғиндисини Днестр бўйидан олиб чиқиб кетиш учун Молдавияга 30 миллион доллар ажратишини маълум қилди.

• Тбилисида Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе жонига қасд қилишга уринган шахслар гуруҳи устидан суд жараёни бошланди.

Ғалвирни сувдан кўтарадиган пайт яқин
3-бет

Ҳар бири бир олам
3-бет

Қувонч ўткинчи, Мустақиллик абадий!

Бўлар элнинг фарзандлари бўлайлик
4-бет

Соғлом юрак — узоқ умр гарови
4-бет

Ta'lim homiylari

Абдужалил ота оиласини Нуробод туманининг сўлим Сариқул қишлоғида истиқомат қилаётган «Тадбиркор оила» деб аташади. Гап шундаки, бу оила расамади билан иш тутиб, деҳқончилик ва асаларичилик билан шуғуллана бошлади. Мойжувоз, устахонада халқ истеъмоли ва эҳтиёжига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Олинган даромадга зарур техника воситалари – енгил автомашина, трактортележка, мини тракторлар сотиб олишди. Ҳаттоки, улар ўтган йили «Тадбиркор оила» вилоят танловида фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

Ҳа, лалми буғдой, махсар етиштириш, томорқа хўжалиги, чорвачилик, асаларичилик, мойжувоз, устахона, техникани бошқариш дейсизми, ҳаммасининг ўз эгаси бор. Дарҳақиқат, тадбиркорлик нафақат

КЕЛАЖАК КУЮНЧАГИ

ёхуд уч хоналик уйини мактабга берган нурободлик Абдужалил ота хусусида

меҳнатсеварликни, балки аниқ ҳисоб-китобни, тежамкорликни ёқтиришни — ҳамма-ҳаммасини яхши билишади, азаматлар.

— Сигир-бузоқ, қўй-қўзилар, асалари, мойжувоз, зироат оиламизнинг табибигина эмас, даромад манбаи ҳамдир, — деди ишбилармон Абдужалил ота. – Очиғи, мулк эгаси бўлиб ширин ташвишларимиз янада ортди.

Даромадга яраша буромад, деганларидек, суҳбат асносида оила аъзолари ўзларининг эҳтиёжларидан ортиқча маблағдан эзгулик йўлида хайр-эҳсон қилиб туришларини ҳам билиб олдик. Кейинги уч-тўрт йил ичида бу оила қишлоқдаги масжид қурилишига 10 минг сўм, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, яъни қишлоққа саноатни олиб келиш мақсадида «Сариқул артель» хўжалиги фаолиятини тиклаш учун 100 минг сўм, Имом ал-Бухорий мажмуи қурилишга 4 минг сўм ҳадя этишди.

Болажон Абдужалил ота қишлоқ болалари ҳақида ҳам доимо қайғуриб юрар эди. Очиғи, мактаб бу қишлоқдан 5-6 чақирим олисда жойлашганди.

У тоғ шароитида жажжи болакайларнинг изғиринли, қорёмғирли кунларда бунча масофага қатнашини хаёлан тасаввур қилиб, бир тадбир қўллади.

Абдужалил ота Зокиров ўтган йили 170 минг сўмга уч хонали ҳовли сотиб олиб, таъмирлади ва қишлоқда 17-мактаб шахобчасини ташкил этишга бош-қош бўлди. Уйида сақлаб юрган бир тонна асални сотиб мактабни ёзув тахтаси, парта, стол-стул билан жиҳозлашга сарфлади. Оқибатда 26 нафар болакай йўл азобидан қутилишди.

Шунингдек, тоғдан 3 чақирим масофага полиэтилен қувур ётқизиб, бу ерга ичимлик суви келтириб боғ барпо этди. Эндиликда отахон ўқувчиларнинг яна бир орзусини рўёбга чиқариш, яъни болаларнинг ёзги таътилда мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун сўлим оромгоҳ ташкил этиш иштиёқи билан яшаётир. Бу ишда унга турмуш ўртоғи Насибали опа, 4 ўғил ва 5 қизи, келинлари мададкор бўлишига имони комил.

Ё. АМИНОВ

ЁШЛАР ЎЗ ЙЎЛЛАРИНИ ТАНЛАДИЛАР

Эртага республикамиздаги барча олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтади. Биз ушбу ҳаяжонли онлар олдидан олий ўқув юртларига бу йилги қабулнинг натижалари билан қизиқдик. Ва бу ҳақда сўзлаб беришни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Шавкат Қурбоновдан илтимос қилдик.

— Мустақиллик йиллари давомида жамиятда янги ижтимоий-сиёсий муҳит, янги маънавий ва ахлоқий қадриятлар вужудга келдики, бу таълимни ислоҳ қилишга, унга жамият, хусусан ёш авлод томонидан муносабатларнинг ўзгаришини тақозо қилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, уни амалга ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар жамиятда комил шахснинг шаклланишига, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига сезиларли таъсир қилувчи замонавий таълимнинг юксак аҳамиятини англашга олиб келди.

Ижтимоий буюртмани бажарар экан, таълим тез ўзгараётган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга мослашувчан бўлмоғи, давлат ва жамиятнинг тегишли кадрларга бўлган талабини қондирмоғи лозим. Энг асосийси, таълим соҳасидаги

Бу йил республикамизнинг олий таълим муассасаларига абитуриентлардан энг кўп миқдорда – 192493 та, жумладан кундузги бўлимга 151015 та ариза тушди. Бу ўтган йилгидан 23 %, энг юқори кўрсаткичга эришилган 1989 йилдагидан 5,3 % кўпдир.

давлат сиёсатида шахс бирламчилиги, унинг манфаатлари, иқтидори ва истеъдодини қондириш кўзда тутилган ва бу босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ёшларда миллий таълим тизимининг юксак мавқеига ишонч пайдо бўлди.

Ўзбекистон ҳукумати ва етакчиси — Президент Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган, аниқ мақсадларга йўналтирилган таълим соҳасидаги давлат сиёсати моҳият жиҳатидан республикадаги ижтимоий иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим нуқтаси ҳисобланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти Олий Мажлиснинг XIV сессиясида яна бир марта шундай таъкидлади: "Миллий дастурни амалга ошириш, ҳаётга тадбиқ этиш, ҳеч бир муболағасиз, стратегик мақсадларимиз – фаровон, қудратли, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишимизнинг асоси бўлмоғи зарур".

Кўзланган ушбу мақсадларга эришишда олий маълумотли кадрлар – бакалавр ва магистрларнинг роли катта. Улар зиммасига давлат ва жамият тараққиётида ақлий, технологик ва маданий "вулқон"ни юзага келтиришни, XXI асрда мамлакатимизнинг халқаро обрўсини юксалтиришни таъмин этиш юклатилган.

(Давоми 2-бетда)

Tahlil

Таълимда тадбиркорлик

Таълим тизими ходимлари тилида сўнгги пайтларда ишлатила бошланган мазкур ибора газетамизнинг ҳам доимий рукнларидан бирига айланиб улгурганлигини зийрак муштарийларимиз пайқаганликлари, шубҳасиз. Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг барча жабҳаларида юз кўрсатаётган ислоҳотлар халқ таълими соҳасини ҳам қамраб олди. Амалга оширилаётган бу халқчил ислоҳотлар кишиларимиз қалбида жонланиш уйғотди. Оқибатда онгимизда анчайин чуқур илдиз отган боқимандалик кайфияти йўқолиб, эмин-эркин ҳаракат қилиш, мустақил иш юритиш кўникмалари қарор топа бошлади. Таълимдаги тадбиркорлик ҳам том маънода шу жараённинг маҳсулидир.

МАКТАБДА ШАКЛЛАНАЁТГАН ИҚТИСОДИЁТ

Хўш, бугун таълим тизимида қандай тадбиркорлик ҳаракатлари амалга оширилмоқда ва у қандай самаралар беряпти?» Жиззах вилояти Бахмал туманида амалга оширилаётган ишлар билан таниша туриб, шу саволларга жавоб топгандай бўлдик.

Излаб топилган имкон - ички имкониятдир

«Излаган имкон топади», дейди халқимиз. Бахмаллик маорифчилар излаб топган имкон аввало мактаб ички имкониятларидан тўла фойдаланишлари натижасида юзага чиқди. Дейлик, туманда бугун 63 та мактаб ва 3 та лицей фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг ҳаммаси ҳам кенггина ҳовли ҳамда томорқаларга эга. Агар ақл билан иш кўрилса, томорқадан ҳам тузуккина даромад орттириш мумкин экан. Бунга туман мактаблари жамоалари тўла ишонч ҳосил қилганлар. Бу ерда кам меҳнат талаб қиладиган, аммо яхши фойда берадиган теракчилик яхши маънода урф бўлган. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, тумандаги биргина Қори-Ниёзий номидаги 46-ўрта мактаб жамоаси теракчиликдан ҳар йили ўртача 100 минг сўм даромад қилмоқда. Мактаб томорқасига бу йил баҳорида қўшимча 2000 туп терак экилди ва ҳозирда уларга сифатли ишлов берилмоқда. Терак қаламчаларини ўтказишда уларнинг навига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Баҳорда экилган қаламчаларнинг 200 тупи «Калифорния» навли қаламчалардир. Бугун мактаб майдонидаги тераклар 11200 тупга етган бўлса, айни дамда уларнинг 200 таси вояга етган, фойдаланишга тайёр тераклардир.

Теракчиликдан келган даромаднинг асосий қисми мактабни янги ўқув йилига тайёрлашга, биноларни жорий таъмирлашга, оҳак ва турли бўёқлар олишга сарфланмоқда. Бу йил баҳорида даромад ҳисобидан мактаб деразаларига янги пардалар тутилди. Янги ўқув йилида кам таъминланган оилалар фарзандларини дарсликлар билан таъминлаш учун 10 минг сўм маблағ ажратиш, ҳамда ўқув йили давомида ўтказиладиган турли танловларда ғолиб чиққан ўқувчиларни, аълочи ва фаол ёшларни, фидойи ўқитувчиларни рағбатлантириш режалаштирилди. Бундан ташқари, мактабнинг ички залига тўлиқ шу тераклардан тахта тайёрланиб, пол ётқизилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

(Давоми 3-бетда)

ЁШЛАР ЎЗ ЙЎЛЛАРИНИ ТАНЛАДИЛАР

(Боши 1-бетда)

— Мамлакатимиз таълим тизимида кейинги йилларда олиб борилаётган туб ислоҳотлар кўйилган мақсадларга эришиш учун замин ҳозирлаяпти, шундай эмасми...

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан республикада узлуксиз таълим тузилишини, ташкилотлари ва мазмунини тубдан ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш соҳасида таълим хизмати ва маркетингни шакллантириш тадбирлари босқичма-босқич амалга оширилаяпти, рақобат муҳитини таъминлаш шароитлари яратилаяпти.

Шу йилнинг ўзида республиканинг кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, мамлакат ривожланиши истиқболини таҳлил қилиш натижасида олий таълим тизимида янги таълим муассасалари ташкил этилди; мавжуд олий ўқув юртлари қошида тамомила янги йўналишдаги мутахассислар тайёрловчи бўлим ва факультетлар ташкил қилинди; кадрлар тайёрлашнинг бирламчи йўналишлари бўйича қабулнинг қўшимча квоталари ажратилди. Тошкент ислом университети, тиббиёт институтлари қошида олий малакали тиббиёт ҳамшираларини тайёрлаш бўлимлари, жаҳон тиллари университети қошида халқаро журналистика, Тошкент иқтисодиёт университетида халқаро туризм факультетлари ташкил этилганини эслаб ўтиш мумкин. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига спорт турлари бўйича мутахассислар қабул қилиш квотаси сезиларли оширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, узлуксиз таълим тизими ислоҳоти педагог ва инженер-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжнинг кескин ошишига сабаб бўлади. Шу боис, педагогларни тайёрлашнинг ўзига қўшимча 1000 ўрин ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш тўғрисидаги Фармонини бажариш, тиббий хизматлар сифатини ошириш, олий малакали тиббиёт ҳамшираларини тайёрлаш мақсадида тиббиёт институтларининг тегишли бўлимларига 180 ўрин ажратилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасалари, таълим муассасаларига эга вазирлик ва идоралар қошида ташкил этилган маркетинг хизмати натижалари асосида олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига қабул режаси шакллантирилди. Унда қуйидаги омиллар ҳисобга олинди:

— мутахассисликлар бўйича олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжи;

— таълим муассасасининг имкониятлари, яъни зарур профессор-ўқитувчилар таркибининг ҳамда моддий-техник базанинг мавжудлиги.

Маркетинг хизматининг маълумотига кўра олий маълумотли кадрларни тайёрлаб бериш учун буюртмачилар томонидан 59,5 минг мутахассисга буюртма тушган. Булардан 28,5 минги тўлов контракт асосида.

Юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар асосида 1999-2000 ўқув йилида бакалавриатга қабул режаси 43653 киши, шу жумладан давлат гранти бўйича 21839 киши, магистратурага тегишли равишда 3000 кишини ташкил этди.

— Шавкат ака, энди бевосита бу йилги қабул натижалари ҳақида тўхталсангиз.

— Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ўз йўли орқали эришишни танлаган жамиятдаги стратегик ўзгаришлар, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг тадбиқ этилиши олий маълумот олиш ва етук мутахассис кадрларга бўлган улкан даражадаги эҳтиёжни вужудга келтирди. Бу йил олдинги йилларга қараганда абитуриентлардан энг кўп – 192 мингдан ошиқ ариза тушди. Мазкур кўрсаткичнинг кейинги йиллардаги динамикасига назар ташлаб, республика фуқаролари ҳаётида, жамиятда олий таълимнинг аҳамияти нечоғли юқори эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Унга бўлган талаб, тушган аризалар сонига таянадиган бўлсак, кейинги тўрт йил ичида икки баравар ошди. Масалан, 1995 йилда абитуриентлар сони 96019 кишини ташкил этган бўлса, кейинчалик йилма-йил ўсиб бориб, 1996 йилда 106000 кишини, 1998 йилда 148481 кишини, 1999 йилда 192000 кишидан ошиқни, жумладан кундузги ўқишга 151015 кишини ташкил этди. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 23 % юқоридир. Собиқ Иттифоқда кундузги бўлимлардаги абитуриентлар сони 125000 дан ошмаган (1989 йил – энг юқори кўрсаткич).

Давлат тест маркази маълумотларига қараганда олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимининг ўзига абитуриентлар сони ўтган йил 114000 га етган бўлса бу йил 151000 тани ташкил этди. Шундай ҳолатни сиртқи бўлимда ҳам кўриш мумкин: ўтган йили 30000, бу йил 45000 дан ошиқ.

— Бу йил қайси мутахассисликларга абитуриентлардан кўпроқ ариза тушган?

— Бу йилнинг ўзига хос жиҳати вилоят олий таълим муассасаларида абитуриентлар сонининг сезиларли ошганлигидир. Масалан, Қорақалпоғистонда 1997 йилги 8600 ўрнига 1998 йилда 11000; Андижон вилоятида 1998 йилги 6900 ўрнига 9400; Фарғона вилоятида 1998 йилги 8929 ўрнига 12547 ва ҳ.к. Олий таълим муассасаларида танловнинг ошганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Агар 1989 йилда режадаги 100 ўринга 346 кишидан ариза тушган бўлса, 1998 йилда 327, бу йилда эса 400 абитуриентни ташкил этди. Олий таълимнинг турли йўналишлари бўйича тушган аризаларни таҳлил этиб, таъкидлаш керакки, энг кўп аризалар сони инженер-техник мутахассисликлари бўйича – 16000, иқтисод – 11000 дан иборат.

Халқимиз тарихи, унинг давлатчилигига бўлган эътибор олий таълимнинг бу йўналиши бўйича ҳам аризалар сонининг (8000 дан ошиқ) ошишига сабаб бўлди. Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларига ҳам танлов кўтарилиб, бир ўринга олти даъвогар тўғри келмоқда.

Иқтисодиёт, менежмент, молия, ҳуқуқ, маданият, халқаро алоқалар соҳалари бўйича мутахассисларга бўлган талаб ошганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бунинг сабаби тушунарли, кейинги йилларда айнан шу соҳалар тараққиётимизда муҳим ўрин тутмоқда ва юқори малакали кадрларга талаб кучаймоқда. Шу боис бу йўналишда конкурс анчайин юқори бўлади.

Ёшлар орасида педагогика мутахассислигига қизиқиш кескин ошди. Педагогика олий ўқув юртларида танловнинг ошганлиги шундан далолат беради. Бу ҳолатни республика раҳбариятининг таълим соҳасида олиб бораётган туб ислоҳотлари билан изоҳлаш мумкин. Тошкент Давлат педагогика университетида бир ўринга 6 тадан 9 тагача абитуриент тўғри келади.

Олий таълим муассасаларида ўқиш учун тушган аризаларнинг кескин ошганлиги жамият, ёшлар томонидан босқичма-босқич, аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсати натижасида шаклланган янги, таълимнинг юксак аҳамиятини англаб етиши ҳосиласидир. Бу мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида таълим устуворлигини таъмин этиш борасидаги стратегик йўли тўғрилигининг ҳам ёрқин исботидир.



Эртага барча олий таълим даргоҳларидаги каби Тошкент вилоят давлат педагогика институтида ҳам тест синовлари бўлиб ўтади. Бу йилги қабул жараёни бу ерда ўтган йилдагига қараганда жуда кескин фарқ қилди, абитуриентлар сони 1998-99 ўқув йилидаги қабулга нисбатан икки баравар ошиқ бўлди. Яъни, 20 июндан 20 июлга қадар 3186 та ҳужжат қабул қилинди.

Суратда институтнинг бугунги ҳаёти акс этган.

Даврон АҲМАД олган сурат



Test – Mustaqillik mevasi

ҒАЛВИРНИ СУВДАН КЎТАРАДИГАН ПАЙТ ЯҚИН

Сиз кўриб турган ушбу суратларда бирор олий ўқув юрти аудиторияси ёхуд мактаб синф хонасидаги одатий жараён эмас, балки пойтахт меҳмонхоналаридан бирида олиб борилаётган машғулотлар акс этган. Бу ерда Тошкентга илм истаб келган қашқадарёлик оз эмас, кўп эмас, нақ 60 (олтмиш) нафар абитуриент иқтидорли ўқитувчи Чори Бобоқулов репетиторлигида тест синовларига тайёрланмоқдалар.

Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани Ойбек номидаги 75-ўрта мактабнинг олий тоифали кимё-биология фани ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Чори Бобоқулов номи сизга ҳам таниш бўлса, эҳтимол. Боиси, бу жонкуяр муаллим фаолияти аввал ҳам газетамизда ёритилган эди. Чори Бобоқулов 1974 йилда ТошДУнинг биология-тупроқшунослик факультетини тугатгандан сўнг, Яккабоғ туманининг Ойбек номидаги мактабда кимё-биология фани ўқитувчиси бўлиб иш бошлаган ва мана, орадан ўтган 25 йил вақтдан буён ушбу даргоҳда самарали меҳнат қилмоқда.

«Иш давомида ўқувчилар билан дарсдан ташқари вақтда факультатив дарс ташкил қилдим, — дейди Чори Бобоқулов. — 1979 йилдан бошлаб ўз ўқувчиларимни олий ўқув юртларига жиддий тайёрлай бошладим. Ўша йили 3 нафар шогирдимга ҳужжат топширишдан то имтиҳонларгача бош-қош бўлиб, Тошкентда бирга юрдим ва уларни тиббиёт институтига киритишга муваффақ бўлдим. Шундан сўнг ўзимга нисбатан ишончим мустаҳкамланиб, репетиторлик фаолиятимни янада пухтароқ давом эттира бошладим. Айниқса, мамлакатимиз Мустақилликка эришиб, олий ўқув даргоҳларига талабалар қабул қилиш энг одилона усул – тест асосида амалга оширила бошлангандан сўнг, муваффақиятларим янада юқори даражага кўтарилди. 1995 йилда менинг раҳбарлигимда тайёрланган 16 ўқувчидан 15 нафари, 1996 йилда 31 ўқувчидан 24 нафари, 1997 йилда 39 ўқувчидан 32 нафари, 1998 йилда эса 58 ўқувчидан 53 нафари олий ўқув юртларига талабаликка қабул қилинишди. Шу тўрт йил ичида олий ўқув даргоҳларига киришга муваффақ бўлган шогирдларим сони 124 нафарга етди. Бу йил мана, 60 нафар ёшларни тест синовларига тайёрлаяпман ва бу йил ҳам яхши натижаларга эришишимизга менинг ҳам, шогирдларимнинг ҳам ишончимиз комил».

Чори Бобоқуловнинг Яккабоғ туманида илмталаб ўқувчилар учун махсус тайёрлов курси очиб, икки сменада иш олиб бораётганлиги, туман бўйича кимё ўқитувчилари услубий бирлашмаси раҳбарлигида амалга ошираётган ишлари, мактабдаги ноанъанавий дарслари, булар ҳаммаси алоҳида ўрганиб чиқса ва ёритса арзийдиган мавзулар. Бугуннинг эса ўз мавзуси бор. Бугун – сувга ташланган ғалвирни кўтариш арафаси. Эртага олий ўқув юртларида илк тест синовлари бошланади ва барча ўқитувчилар сингари Чори Бобоқуловнинг ҳам меҳнатлари самараси аён бўлади. Ўқитувчи меҳнатлари самарасига эса, кўпчиликнинг фикрича, аввало унинг неча нафар ўқувчиси олий даргоҳларга ўқишга кира олишига қараб баҳо берилади. Жонкуяр ўқитувчи Чори Бобоқуловнинг бир репетитор сифатида эришаётган ютуқларидан қаноатланган ҳолда, шогирдлари бу йил ҳам ўз устозларининг умидларини оқлай олишларига ишонамиз.

И. БЎРИБОЕВ

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Hamkorlik

«...ХАЛҚ ИЧИГА БОРАЙЛИК»

Ўзбек тилидаги кўпгина сўзларнинг турлича маъно бўёғи бор. Мисол учун, гул сўзи кишида романтик ҳис-туйғулар уйғотса, қул сўзи тушкун кайфиятни юзага келтиради. Яқин-яқинларгача аслида хайрихоҳлик туғдириши лозим бўлган суд, прокуратура, милиция сўзлари кишиларда қўрқувга мойил ҳадик туйғусини қўзғатар эди. Ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар бу соҳаларни ҳам тубдан янгилашни назарда тутмоқда. Жумладан, ички ишлар ходимлари жойларда одамлар билан юзма-юз очиқ мулоқотлар ўтказиб, халқ билан янада яқинлашишга ҳаракат қилмоқдалар. Шундай учрашувлардан бири яқинда Чилонзор туманидаги «Мевазор» маҳалласида бўлиб ўтди.

Мулоқотда сўз олган Чилонзор туман ИИБ бошлиғи Тоҳир Бойматов ҳисобот бериб, ҳали қилинадиган ишлар кўп эканлигини таъкидлади.

Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи ўринбосари Шораҳим Расулов соҳадаги янгиланиш жараёнлари ҳақида бирмунча батафсил сўзлаб берди. «Профилактика хизматини тубдан ислоҳ қилиш ҳақида»ги, «Яраштирув комиссиялари тўғрисида»ги қарорлар, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги ўзгаришлар ҳақида гапириб, буларнинг барчаси халқимиз манфаатлари учун эканлигини айтди. Саволларга жавоб қайтарар экан, у ички ишлар органлари халқимизнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож эканлигини, шундагина маълум ютуқларга эришиш мумкинлигини, жамоатчилик асосида иш олиб борадиган маҳалла посбонлари шу мақсадда ташкил қилинганини айтиб ўтди.

Асримиз бошида Чўлпон ҳазратлари «Қучоқ очиб халқ ичига борайлик» деган эдилар. Аср сўнгида бу хитоб ҳеч вақт эскирмайдиган ҳикмат эканлиги яна бир карра аён бўлмоқда.

Ҳ. НИШОНОВ

Bolangizni bilasizmi?

ҲАР БИРИ БИР ОЛАМ

Халқимиз кўп миллатли бўлса-да, уларнинг биргаликдаги интилишининг уйғунлиги бор. У ҳам бўлса, ўз болаларига энг яхши билим ва тарбия беришдир. Шу жиҳатдан олганда болаларнинг мактаб ва мактабдан ташқари вақтларини қизиқарли ва фойдали ташкил этиш ҳар бир ота-онани қизиқтиради. Улар ўз болаларига жиддий эътибор берсалар, болада қандай хоҳиш ва режалар борлигини сеза оладилар.

Ота-онанинг режали раҳбарлигида бола бўш вақтини фойдали, мазмунли ва қизиқарли қилиб ўтказса, бу иш унинг биринчи навбатда соғлигига, ахлоқига, ўқишига ва умумий ўсишига анча яхши таъсир этади. Бундай болалар ҳар доим ўзини тетик сезади ва яхши ўқийди. Аксинча, бола ўзининг дам олиш вақтини ота-онанинг диққат эътиборисиз ўтказса, у ҳар жиҳатдан ўзига зарар етказади.

Ота-она болага маданий, фойдали, қизиқарли дам олиш кўникмаларини сингдириш учун болалари билан доимий шуғулланишлари, уларнинг ҳаёти ва тарбияси учун жавобгарликларини эсдан чиқармасликлари керак.

Болаларга қизиқарли эртак ва ҳикояларни ўқиб бериш, ёқимли, мулойим овозда қўшиқ айтишни ўргатиш, табиат музейини кўриш каби ўзининг севган иши билан шуғуланиши натижасида меҳнатга, тартибга, қатъийликкка ўрганади, лаззатланади. Катта болаларнинг ҳар бири хатти-ҳаракатидаги ҳис-туйғуларига шерик бўлишнинг таъсири ижобий бўлади.

Турли ёшдаги болаларнинг бўш вақтларини турлича ўтказиш муҳим ҳисобланади.

Маълумки, болалар ҳар нарсага ҳаваскор, қизиқувчан бўладилар. Агар болани атрофдаги буюм ва ҳодисалар қизиқтирса, у шу нарсалар тўғрисида саволлар бера бошлайди. Уларга чидам билан мумкин қадар аниқ, тўғри берилган жавоб боланинг кузатувчанлигини ўстиришга ёрдам беради. Кузатувчанлик эса боланинг тафаккур доирасини ва мустақил фикрлай билишига ёрдам беради.

8—10 ёшли боланинг фикри мустаҳкам, барқарор бўлмаса-да, бу ёшда улар серҳаракат бўладилар.

10—12 ёш орасида болаларнинг диққати мустаҳкамроқ, чидамлироқ бўла бошлайди. Уларнинг хаёли ижодий тус олади. Турли ишлар билан мустақил шуғуллана бошлайди. Умуман, болаларнинг ижодий хаёли уларнинг ақлий тараққиётида катта аҳамият касб этади.

Ўн икки ёшдан ошган болаларнинг мустақил кузатиши ва хулосалар чиқариш қобилияти ривожланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, болаларнинг бўш вақтларидаги машғулотлари улар учун қизиқарли ва ёқимли бўлишига қулай шароитларни яратиб бериш керак.

11—12 ёшдаги болаларда мустақилликка интилиш пайдо бўлади.

Жисмоний тарбия билан шуғулланиш, турли китоблар ўқиш, кино, театр ва музейларга бориш, фан олимпиадаларида қатнашиш, шахмат билан шуғулланиш, мусиқавий ўйинлар уларнинг бўш вақтида ўзига яраша ўрин олиши керак.

Юқори синф ўқувчиларининг бўш вақтларини эса, уларнинг бирор касбга бўлган майлларини кучайтиришга йўналтириш зарур.

Агар бўш вақт жисмоний, ақлий, бадиий тараққиётга ёрдам берадиган, ўзига фойда етказадиган қувноқ, хилма-хил ўтказилса, маданий дам олган бўлади.

Бола очиқ ҳавода турли ҳаракатли ўйинлар билан ўзининг соғлигини чиниқтиради. Улар билан ўтказиладиган оммавий тадбирлар уларни бир-бирига иноқ қилади.

Бола ҳар қандай машғулотни мажбуран эмас, балки ўзи мустақил ва ташаббус кўрсатиб ўрганиши яхши натижалар беради. Бирор иш билан шуғулланаётганда қийналиб қолган тақдирда (масалан, топишмоқ жавобини тополмаса) катталар унга тўғридан-тўғри эмас, баъзи бир ёрдамчи саволлар бериш орқали кўмаклашиши керак.

Болаларнинг зерикиб қолишига йўл қўймаслик лозим. Зерикиш боланинг ҳаётида энг ёмон нарса бўлиб, вақтни ёмон, зарарли ишлар билан ўтказишнинг бош сабабидир.

Аслини олганда, бирор фойдали ишга қизиқиши бўлмаган боланинг ўзи йўқ. Бундай қизиқишни рўёбга чиқаришда эҳтиёткорлик билан иш тутиш керак, холос.

Ойсоат ХУДОЁРОВА,
ЎзПФИТИ катта илмий ходими,
Муқаддас ОДИЛҚОРИЕВА,
«БИОЭКОСАН» бўлим бошлиғи

ТИЖОРАТЧИ БЎЛМОҚЧИМИСИЗ?

O'rta maxsus ta'lim

Жамият муносабатлар мажмуидан иборат. Муносабатлар инсоний ва расмий, ижтимоий ва иқтисодий ва ҳоказо турларга бўлинади. Улар алоҳида ва ўзаро мутаносиб уйғунликда мавжуд бўлиб, ҳар бирининг ўз доираси, вақти ва ўрни бор. Маълум даврларда туйғуларга асосланган муносабатларнинг қайсидир бири инсон ҳаётида етакчи мавқени эгаллаши мумкин. Аммо пул, уни топиш, сарфлашга интилиш ва қайғуриш ҳар бир одамга доимий хос бўлувчи жиҳат. Шу сабабли, пул-зарб қилинган эркинлик, деган гапга ҳеч бир иштибоҳсиз ишонамиз.

Пул топишнинг йўллари кўп. Ғарбликлар ҳатто вақтни пул билан ўлчашади, сотишади ва сотиб олишади. Хуллас, бозор. Бугун бизда ҳам тижорат, брокер, менежмент, аудит каби сўзлар янгилик бўлмай қолди. Ҳаёт тарзимизга сингиб улгурган тушунчалар ифодаловчи бу касбларни эгаллашга интилиш ҳам табиий жараёнга айланди. Буни Каттақўрғон тижорат техникуми мисолида кўришимиз мумкин.

Техникум, таъбир жоиз бўлса, "профессионал пултопар"лар ўқитиб, тайёрлайди. Илгарилари бу соҳадаги ўқув юртлари фақатгина ҳисобчи-бухгалтер ва иқтисодчи йўналишида кадр етиштирган бўлса, бугун улар сафига банк иши, аудит, молия ходими, менежмент каби замонавий ихтисосликлар ҳам қўшилган. Шунга мувофиқ Каттақўрғон тижорат техникумида ўқишни истовчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Сўзимиз исботини бу йилги қабул ишларининг боришини кузатиб, кўришимиз мумкин.

— Техникумда 1999-2000 ўқув йилига қабул аввалдан тузилган иш режасига мувофиқ олиб борилди, — деди техникум директори Гулнора Шодиева. — Қабул ишлари бошланиши олдидан, апрель-май ойларида вилоят шаҳар ва туманларида касбга йўналтириш ишлари ташкил этилди ҳамда очиқ эшиклар куни ўтказилди. Қабул ҳақида маҳаллий газета ва радиода реклама эълони берилди. Яна бир эътиборли жиҳати, техникумда ўқувчи-талабалар, абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари томонидан билдирилувчи таклиф ва истакларни жамловчи махсус қути ўрнатилган бўлиб, буларнинг бари ўз самарасини бермоқда. Саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, молия, банк иши, менежмент ихтисосликларида ўқишга талабгорлар сони бир ўринга олти-еттитаданни ташкил қилмоқда.

Ҳаётда пул билан ўлчанмайдиган нарсалар ҳам кўп. Шулардан бири – илм. Билимли бўлишни хоҳлаганлар вақтни текин совурмасдан, ўқишга интилишмоқда. Бу эса барча даврларга, жумладан, ўзимиз хоҳлагандек келажакка интилаётган бугунги кунимизга ҳам хос.

Хусан КАРВОНЛИ

1 Mulohaza

КИТОБ — ҚАЛБ ОФТОБИ

Кўп китоб ўқийдиган, уни тўла тушуниб етадиган ва қадрлай оладиган мўътабар кишиларни «китобхўр» деб атайдилар. Бу халқ атамасидир. Халқ ибораларининг ҳам яратувчилари, тарғиботчилари бўлади. «Китобхўр» халқ иборасининг тарғиботчиларидан бири севимли адибимиз Асқад Мухтор эди. Мен буни «Гулистон» журналида ўқиган эдим.

Тилларда достон бўлиб келаётган улуғ сиймолар – Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий «китобхўрлик»да бир-бирларидан қолишмас устозу шогирд бўлганликлари тарих саҳифаларида заррин ҳарфлар билан битиб қолдирилган. Абдураҳмон Жомийнинг таъбирича, китобни ўзи учун эмас, ўқувчилар, китобхонлар учун ёзиш, ёзганда ҳам соз қилиб ёзиш талаб этилади. Китоб ёзиш учун эса кўплаб китобларни мутолаа қилиш, уларни ўзлаштириб олиш лозим. Фақат шу йўл билангина оғизга тушиш, кучли салоҳиятга эга бўлиш, ўз тафаккур қирраларини чархлаб бориш мумкин.

Бундай куч-қудратга эга бўлиш учун фақат китоб ўқиш, халқ

2

орасига «юриш қилиш» зарурдир.

Маънавий бойлигимиз бўлган китоб ҳар қандай подшо тахти, олтину гавҳарлардан ҳам юқори туради. Бошқача айтадиган бўлсак, китобга тенг келадиган нарсанинг ўзи табиатдан ташқаридир. Худди шу боисдан ўқишли китоблар ҳамма вақт азиз ва мўътабар бўлиб, инсон ҳамроҳи бўлиб қолаверади, у китобхон қўлидан тушмайди. Бунга Жомий ва Навоийлар ижодий меросларидан ҳам истаганча мисоллар келтириш мумкин.

Ёзма манбаларда ҳикоя қилинишича, ўша даврнинг донгдор хаттотларидан бири бўлган Шайх Хўжа Абдулла Ансорийнинг (1006-1089) «Илоҳийнома» китобини Навоийга олиб келишади. Бобоколонимиз унинг бирор варағини ўқиб кўриш мақсадида, секин мутолаа қила бошлайди. Китоб шунча ёқиб қоладики, ундан кўзини узиб олиш ҳам қийин бўлади. Улуғ шоир барча ишларини бир четга йиғиштириб қўйиб, асар мутолаасига берилиб кетади ва бир ўтирганида уни бошидан охиригача диққат билан ўқиб чиқади. Қизиғи шундаки, худди шундай воқеа 2—3 кун бурун Жомийда ҳам юз берган экан. Бу эса ҳар иккала симмога хос бўлган умумий хусусият эди.

Яна «Насиҳатнома», «Юсуф ва Зулайҳо» каби рисола ва қиссалар бор. Улар ҳам ўтмиш дурдоналаридир. Улардан ҳам қанчаданқанча аждодлар фойда кўрдилар. Бу китоблар ҳозирги кунда ҳам ғоят қимматлидир.

Устозу шогирд, дўсту биродар – Жомий ва Навоий ҳамиша ижодий мулоқотда бўлиб турадилар. Улар ўртасидаги самимий суҳбат узоқ вақтгача давом этади. Суҳбат китоб ва унинг тарбиявий аҳамияти мавзусига бағишланади. Унинг қисқача мазмуни қуйидагича: даврлар ўтаверади, инсон авлодлари алмашаверади, шаҳарлар бузилади. Қалъалар харобага айланади, экинзорлар ва

3

боғу роғлар ўрнини саҳрою чўллар эгаллайди. Аммо сўз яшайди, китоблар қўлдан-қўлга, авлоддан-авлодга ўтаверади. Хуллас, одам боласи барҳаёт экан, китоб яшайди, кишиларни ўтмиш билан, ўтмиш авлодлар билан боғлайди, уларга тўғри яшаш ва ишлашга йўлланма бериб, мураббийлик қилади, авлодлар эса Абдулла Қодирий ибораси билан айтганда, мозийга мурожаат қилиб иш кўради.

Ҳа, нодир хазина бўлган китоблар умрбоқийдир. «Ҳибатул ҳақойиқ», «Ал Жомиъ ас Саҳийҳ», «Девонул луғотит турк», «Қутадғу билиг», «Шоҳнома», «Хамса», «Бобурнома», «Ўткан кунлар», «Қуллар», «Навоий» каби ажойиб китобларни ўқимаган, ҳеч бўлмаса уларнинг номларини эшитмаган кишилар бўлмаса керак.

Абдураҳмон Жомий асарларидаги таълим-тарбияга оид фикрларни такрор-такрор ўқиш фойдали эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз. Буюк аллома, ўзингга тўғри йўлланма берадиган, тўғри касбга йўллайдиган долзарб китобларни ўқиш, ҳар қандай нарсага беҳудага вақт сарф этмаслик кераклигини ўз асарларида ўгит тариқасида ифодалаб берган.

Бу ўринда унинг қуйидаги мисралари ғоят мароқлидир:

Жомий ҳар доим китоб ёзарок,
Ўзгадан омонат олмади мутлоқ.
Ўз санъати дўкони тўла кишига
Ярашмас бошқалар даллоли бўлмоқ.

Ушбу ўринда ҳазрати Навоийнинг қуйидаги мисраларини ҳам келтириб ўтиш ўринлидир:

Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай!
Улусга майл беандоза бўлғай,
Йўқ эрса назм қилғанни халойиқ,

4

Муқаррар айламак сендан налойиқ...

Мана, қарийб олти юз йилдан бери Жомий «санъати дўкони» ҳали ҳам лиммо-лим тўла. Навоий асарлари эса худди кеча ёзилгандек бўлиб турибди. Бунга эришишнинг асосий сабаби: уларнинг кишилар юраклари тўридан жой оладиган китоблар ёза билганлигидадир.

Китобга бўлган ихлос, меҳру муҳаббат шайхул ислом устод Жомий ва ҳазрати Навоийларнинг умрбоқий асарлар яратишларига кўмакдош бўлди, уларни жаҳонга танитди. Айниқса, Жомийнинг уч жилдли йирик девони, «Ҳафт авранг»; Навоийнинг «Ҳазойинул маоний», «Хамса» ва бошқа ўнлаб ажойиб асарлари кўз ўнгимизда намоён бўлиб туради.

Жомий:

Китобга юз ўгиргин, эй жигарим, фарзандим,
Китобга улфат бўлгин, қулоққа ол бу пандим.
Танҳоликда мунисинг, билсанг агар китобдир,
Доноларнинг тонгига шуъла сочар китобдир, — дейди.

Хулласи калом, устодлар ўгит-насиҳатларига амал қилиб, китоб билан бир умрга дўстлашинг, чуқур билим олишга астойдил киришинг. Кони фойда шунда. Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун «Нодир хазина»ни ўқинг. Ана шунда Жомий ва Навоий каби боболаримизнинг руҳлари шод бўлади, биз эса ўз халқимиз, она-Ватанимизга кўпроқ фойда келтирамиз.

Қимматли ёшлар, китоб ўқинг, адашмайсиз, чунки барча таълим-тарбиянинг, тўғри йўлнинг кўзгуси китобларда битиб қолдирилган. Китобсиз ёруғ дунёнинг ўзи ҳам нурсиздир.

Назар РАЖАБОВ,
филология фанлари доктори, СамДУ профессори

ЮРТИМИЗГА ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК ИСТАЙМИЗ!

Kasaba uyushmalari hayotidan

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят қўмитаси мажлиси қатнашчилари қайта-қайта ана шу фикрларни таъкидладилар. Анжуманда Президентимиз И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жаволари юзасидан касаба уюшмаси қўмиталарининг вазифалари муҳокама қилинди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси раиси Майра Абдураҳмонова шу хусусда маъруза қилди.

Таъкидландики, 16 февраль воқеалари Ватанимиз фуқароларининг кўзини очди, ғафлат уйқусидан уйғотди. Ватанни, Истиқлолни, демакки, Президентни асраб-авайлаш учун ҳамиша, ҳар дақиқа ҳушёр бўлиш лозимлиги аён бўлди. Шу маънода эришаётган ютуқларга тўғри баҳо бериб, ҳушёрликни ошириш, турли таҳдид ва бало-қазолардан огоҳ бўлиш катта аҳамиятга эгадир. Муваффақиятларимизни кўролмаётган ички ва ташқи душманлар биринчи навбатда ёшлар онгини заҳарлаш, диний ақидапарастлик ғояларини кенг ёйишга ҳаракат қилмоқдалар. Ваҳобийлик, Ҳизбут-таҳрир, «Мусулмон биродарлар» сингари оқимлар ва ҳаракатлар сафига айрим зиёлилар, ўқитувчиларнинг кириб қолганлиги ташвишлидир.

Ваҳоланки, мактаблар диний оқимларга қарши курашнинг ўчоғи бўлмоғи керак.

Мажлисда аҳоли ўртасида миллий ғоя ва миллий мафкурани ривожлантирадиган ва ёшлар тарбияси билан шуғулланадиган ташкилотлар фаолиятини кучайтириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Касаба уюшмалари ҳам ана шундай ташкилотлар жумласидандир. Ҳар бир мактаб, ҳар бир ўқув юрти, ҳар бир маҳаллада зиёлилар, айниқса, таълим ходимлари маънавият ва маърифат ишларини олиб боришда жонкуяр бўлмоғи керак. Умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежларда болаларнинг онгини юксалтириш, уларни ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиладиган тўгараклар ишини ташкил қилиш лозим. Ёшларни ўзлигини англаш, мустақил фикрлашга ўргатиш биз катталарнинг бурчимиз.

Мажлисда Урганч Давлат университети доценти О. Абдуллаев, Урганч шаҳридаги 25-ўрта мактабнинг касаба уюшмаси қўмитаси раиси О. Юсупов, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси маъсул ходими, Миллий тикланиш демократик партияси раис ўринбосари, фалсафа фанлари доктори, профессор Т. Тошлонов ва бошқалар сўзга чиқдилар. Мажлис кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Шохназар АҲМЕДОВ

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги «Наврўз» болалар боғчаси болажонлар учун «боғча опа»— Муқаддас Расулованинг мусиқа сабоқлари ҳамиша қизиқарлидир.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

«БОҒИ ЭРАМ» СОҲИБИ

Яқинда Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги «Қалқон ота» қишлоғи ҳудудида жойлашган «Булбулча» боғчаси билан танишдик.

90 ўринли «Булбулча» болалар боғчаси 1988 йилда ишга тушгач, унга Султон бобо Жабборов қоровул-боғбон қилиб тайинланди.

Султон бобо болалар масканини ҳақиқий дам олиш оромгоҳига айлантириш мақсадида ўша йиллари 1 гектарлик боғча майдонига 200 туп гилос, 10 туп беҳи, 100 туп шафтоли, 100 туп олҳўри, 10 туп олма, 90 туп ток, 600 та терак экди. Уларнинг ҳаммаси ҳозир ҳосилга кирган.

Ҳар бир гуруҳ ўйингоҳларининг теварак-атрофи турфа гуллар билан бурканган. Дилбандлар эса, ўз боғларида етиштирилган мевалардан баҳраманд бўлишмоқда. Кичкинтойлар қиш мавсумида ҳам боғча боғи меваларидан тайёрланган мураббо, мева шарбатларидан истеъмол қиладилар.

Қизиғи шундаки, боғча боққа айланганда туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан мазкур кичкинтойлар гулшанида қоровул-боғбонлар кенгаши ҳам ўтказилди.

Семинар қатнашчилари мазкур боғчадан намуна олиб ўз гўшаларини боғу бўстонга айлантиришга аҳд қилдилар.

Жажжи болакайлар боғчани «боғи эрам»га айлантираётган боболари билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Т. НИЁЗМЕТОВА

МАКТАБДА ШАКЛЛАНАЁТГАН ИҚТИСОДИЁТ

(Боши 1-бетда)

ТАЯНЧ НУҚТАСИ

«Менга таянч нуқтаси топиб берсангиз, ричагим билан ерни кўтараман». Мутафаккир Архимедга тааллуқли бу гап бироз баландпарвоз туюлса-да, кўчма маънода чуқур мазмун касб этади. Шу маънода таъбир қўллаб бахмаллик маорифчилар ўз меҳнатлари билан мактабнинг моддий аҳволини кўтариш учун таянч нуқтасига, яъни имкониятга эга бўлдилар десак, бу асло баландпарвоз гап саналмайди.

Мазкур имконият туман ҳокимияти томонидан мактабларга фойдаланиш учун ер майдонлари ажратилаётганлигида ва маорифчилар бу майдонлардан унумли фойдалана билаётганликларида намоён бўлмоқда.

«41-ўрта мактаб жамоаси мактабнинг моддий базасини мустаҳкамлаш ва шу орқали ўқитувчиларни ижтимоий муҳофазалаш мақсадида бир қатор муҳим ишларни амалга оширишмоқда, - дейди ушбу мактаб раҳбари У.Шоимов. - Ўтган йили туман ҳокимининг фармойишига биноан Деҳқонобод ижара хўжалиги мактабимизга фойдаланиш учун 3 гектар ер ажратиб берган эди. Бу майдонларга картошка, сабзи, шолғом экиб, 236 минг сўмлик даромад олдик. Бундан ташқари, мактаб ҳовлисида парвариш қилинаётган 120 тупдан зиёд олма дарахти ва 10 минг тупдан ортиқ теракдан ҳам яхшигина даромад олишни кўзлаяпмиз. Олинаётган фойда фақат шу мактаб ва шу мактаб жамоаси учун сарфланмоқда.»

Тумандаги 14-ўрта мактаб раҳбари Т.Ғозибековнинг сўзларига қараганда, бу мактаб учун «Ойқор» тажриба хўжалиги томонидан 1994 йилда 4 гектар ер майдони ажратилган ва унга 800 туп сара навли олма кўчатлари ўтқазилган экан. Кейинги икки йилдан буён бу кўчатлар улғайиб, мева бера бошлабди. Олмалар ҳар йили 5-6 тонна ҳосил бераётган, олма қатор ораларига экилган буғдой ҳосили эса, ўқувчиларга ёрдам тариқасида улашилаётган экан. Мактаб томорқасига экилган 10 минг туп теракнинг ҳам 3 минги фойдаланса бўладиган даражага келибди. «Бундан ташқари,— дейди Т.Ғозибеков, - мактаб базасида қурилган ун тегирмони ҳам мактабнинг моддий таъминоти учун наф келтирмоқда. Барча турдаги техник дастгоҳлар билан жиҳозланган мактаб устахонасида эса, мактаб тераги қирқилиб, бешик, сандиқ ва турли ошхона жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда.»

«Ойқор» тажриба хўжалиги томонидан Ўрол Қулматов номидаги 39-ўрта мактаб учун ҳам 3 гектар олмали боғ ажратилганини алоҳида таъкидлаб ўтса арзийди. Мазкур мактаб томорқаларида ҳам 10 минг туп терак мавжуд. Мактабда ун тегирмони ва пайвандлаш дастгоҳи фаолият кўрсатмоқда. Олма қатор ораларига эса, ўқитувчилар ўз эҳтиёжлари учун турли экинлар экиб манфаатдор бўлишмоқда.

Туман мактабларининг бугунги иқтисодий аҳволи билан танишар экансиз, бу ерда аввало боғдорчилик, хусусан теракчилик кенг йўлга қўйилаётганлигига амин бўласиз. Даромаднинг яна бир манбаи мактаб устахоналари, турли кичик цехлар бўлмоқда. Масалан, Усмон Юсупов номидаги 5-ўрта мактаб устахонасида ўз теракларидан турли мебеллар ясалмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган столстул, хонтахта, сандиқча ва курсича сингари маҳсулотлар ҳали сон жиҳатидан кўп бўлмасада, харидоргир ҳисобланади.

Шароф Рашидов номидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчилар жамоасининг ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ҳамда мактаб иқтисодий аҳволини яхшилаш борасида амалга ошираётган ишлари алоҳида таҳсинга лойиқ.

Бу ерда 1996 йилда биринчи тоифали ўқитувчи Ортиқой Назарова ташаббуси билан «Тикиш-бичиш ва зардўзлик» хонаси ташкил этилган эди. Ўтган вақт мобайнида тадбиркор ўқитувчи томонидан яратилган ўқувчилар формаси туман ва вилоят танловларида совриндор ўринга эришиб, кенг миқёсда ишлаб чиқарила бошланди. Чиройли, арзон ва мустаҳкам матолардан тайёрланган ўқувчилар кийими ота-оналарга ҳам маъқул тушди. О.Назарова раҳбарлигида меҳнат қилаётган ўқувчи қизлар эндиликда 1 йилда 3 мингдан зиёд ўқувчилар формасини тайёрлаб, сотувга чиқармоқдалар. Бу ишлар мактабга мўмай даромад келтириш билан бир қаторда ёшларни касбга ўргатишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Моддий таъминот ва маънавий юксалиш

«Мактабларимизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг табиий газ билан иситилишини таъминлаш, ўқув биноларининг ўқув йилига сифатли таъмирланишига эришиш, ижодкор ўқитувчи ва фаол ўқувчиларимизни ҳар томонлама рағбатлантириш ҳар доим эътиборимизда турибди, — дейди Бахмал тумани халқ таълими бўлими мудири Саидаҳмад Мирзабеков. Бу вазифаларни ҳал этиш, биздан анчагина қўшимча маблағ талаб этади. Маблағлар эса мактабларнинг ички имкониятлари эвазига топилмоқда. Мактабларда ишлаб чиқариш цехлари, деҳқончилик ва чорвачилик, ҳунармандчилик ҳамда маиший хизмат кўрсатиш, тижоратчилик билан шуғулланиш бу маблағларнинг асосий манбаларидир. Бу ишларни ривожлантириш, мактаб маблағларини кўпайтиришнинг янги манбаларини излаб топиш галдаги муҳим вазифаларимиздандир. Бизга бу ишда туман ҳокимлиги ҳар тарафлама кўмак бермоқда. Туманимизда ҳашар йўли билан қўшимча синф хоналари қуриш анъанага айланган. Бунда ҳам асосан мактаб жамоалари топаётган даромад қўл келмоқда. Ўз меҳнатлари эвазига даромад топаётган кўпгина мактаб ва боғчаларимиз ҳозирда банкларда ўз ҳисоб рақамини очмоқдалар. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоизки, эришилаётган бу ютуқларимизнинг бош манбаи, шубҳасиз, республикамиз ҳукуматининг халқ таълимига бўлган катта эътибори самарасидир.»

Мактабларнинг ўз маблағига эга бўлиши ўқитувчиларни ҳали бўр, ҳали оҳак излаб, кўмак сўраб оталиқ ташкилотларга зир қатнашдан, бирор мурувватлироқ ҳомий топиш вазифасидан озод қилади. Уларга ўз мактабларини ҳоҳлаган пайтда диддагидай безатишларига, ўқув қуроллари сонини кўпайтиришга, ўқитувчи ва ўқувчиларни рағбатлантиришга имкон беради.

Бугунги давр олдимизга таълим тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишда марказий бўғин ҳисобланувчи ўқитувчилар ҳақида ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ғамхўрлик қилиш вазифасини қўймоқда. Бу соҳадаги ишимиз эса оғизда эмас, кўпроқ амалда бажарилиши лозим. Ўқитувчи касбини улуғлаш билан ҳамма муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Шунинг учун ўқитувчининг қўшимча даромад топиш йўлидаги фаолиятини қайсидир йўл билан енгиллатиш, унга маҳаллий маблағлар эвазига моддий кўмак бериш мақсадга мувофиқдир. Бу албатта осонлик билан битадиган вазифа эмас. Лекин, эҳтимол маҳаллий ҳокимиятлар, ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда бу масалани ҳал қилиш мумкин бўлар?

Юқорида кўриб ўтганимиз, Бахмал туманида амалга оширилаётган ишлар бу борада қилиниши лозим бўлган вазифалардан бир дебоча, холос. Туман халқ таълими бўлими мудири Саидаҳмад Мирзабековнинг эътироф этишича , моддий манфаатдорлик ҳам муаллимларимизнинг ўз касбларига ижодий ёндошишларига туртки бўлмоқда. Шубҳасиз, шундай. Зеро, қадим-қадимдан инсонлар онгида яшаб келаётган бир ҳақиқат борки, бу ҳақиқат етарлича моддий таъминотсиз маънавий юксалишга эришиб бўлмаслиги хусусидадир.

Икром ИСКАНДАР

ФАРЗАНД УМИД ЮЛДУЗИ

Maktabgacha ta'lim

Учқўрғон туманидаги 14-болалар боғчаси намунали таълим-тарбия масканларидан ҳисобланади. Кичкинтойлар гулшанида ўтилаётган рангбаранг машғулотлар экологияга йўналтирилган бўлиб, жажжи болажонларга билим ва кўникмалар ўйин орқали сингдирилаётир.

Ширинтойлар масканида моҳир қўллар, қўғирчоқ театри сингари тўгаракларда фаолият кўрсатмоқда. Мазкур тўгаракларда нозик қалблар турли хил чиқинди материалларидан ихтиёрий нарсалар - ўйинчоқлар ясайдилар. Болаларни ақлий, ахлоқий, эстетик тарбиялаш, уларда меҳнатга ҳавас уйғотишда мазкур тўгарак катта аҳамият касб этаётир. Боғчанинг тажриба майдонида картошка, помидор, бодринг сингари сабзавот ва полиз экинлари ҳамда маккажўхори етиштирилмоқда. Кичкинтойларга экинларни парвариш қилиш йўллари ўргатилаётир. Етиштирилган маҳсулотларнинг истеъмолдан ортиқча қисми савдога чиқарилиб, ундан олинган даромад боғчанинг моддий базасини мустаҳкамлаш учун сарфланмоқда.

— Машғулотларда, - дейди боғча мудираси Санталат Абдураҳмонова, - нуридийдаларимиз илк ёшданоқ имкон қадар ҳар томонлама - ҳам руҳан, ҳам жисмонан ривожланишларига, атроф-муҳитни билиш билан бирга ҳар бир нарсани сезиб, идрок этиб, ўша нарсаларга ўз муносабатларини кўрсатишларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

МУХБИРИМИЗ

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ ДОЯСИ

Ma'naviyat durdonalari

Бугун жамиятимизда ёшлар муҳим ўрин тутадилар. Уларнинг шуурида миллий Истиқлол мафкурасини шакллантириш, она Ватанга чексиз меҳр-муҳаббатни қарор топтириш буюк келажакни яратишдаги энг олийжаноб ишдир.

Ислоҳотларнинг тақдири, унинг қай даражада амалга оширилиши биринчи навбатда кадрлар малакасига, уларнинг юртпарварлигига, фидоийлигига боғлиқ. Бунинг учун янгича фикрлай оладиган, замонавий технологиялар асосида, самарали фаолият кўрсатадиган ёшларни тарбиялаб етказиш лозим.

Инсонларнинг маданий-маънавий савиясини оширишда кутубхоналарнинг роли бениҳоя каттадир. Кутубхоналар ёшларни, ўспиринларнинг инсон сифатида шаклланишига катта таъсир эта оладиган муассаса ҳисобланади. Китоблар орқали биз ёш авлодга тарихий, маданий ва маънавий қадриятларимизни, ҳозирги жиддий ислоҳотлар даври ютуқ ва камчиликларини сингдира оламиз.

Кутубхоналарнинг бош мақсади - юртимиз келажаги бўлган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, энг илғор усулларни қўллаб, ёшларнинг билим савиясини кенгайтириш, уларга дунёвий фанларнинг энг сўнгги ютуқларини етказишдир.

Кутубхона ёшларни билим эгаллаш ва уларни тарбиялаш жараёнларига қанчалик фаол кириб борса, ёшларнинг илмий дунёқарашини шакллантириш, меҳнат қилиш фаолиятига тайёрлаш, маданий бойликларни эгаллаш, ижод қилиш асосларини ривожлантириш учун шунчалик кенг имконият яратади.

Ёш авлод қанча кўп китоб мутолаа қилса, қанчалик кўп адабиётлар билан танишса, унинг билим савияси ошади. Маданияти ривожланади, маънавияти ўсади, кучаяди.

Билим олиш ҳақида Бедил қуйидаги масраларни бекорга айтмаган:

Тўрт даҳр аро сен - нури офтоб,
Етти баҳр ичра гавҳари ноёб.
Ҳар нарсагаким етибди ақл,
Ундан афзалсан, буни яхши бил.

Ҳозирги даврда ёш авлодга асосан мактаб ва лицей кутубхоналари хизмат кўрсатмоқда . Лицей китобхоналарида информатика, компьютерлар билан яқиндан танишадилар, улардан фойдаланишни ўрганадилар. Уларнинг билим чўққиларини эгаллашларида албатта, кутубхоналарнинг роли бениҳоядир. Шуниси қувонарлики, китоб ўқиш, китобхонлик бошқаларга қараганда лицей-мактабларда яхши йўлга қўйилган. Бу эса лицей кутубхоналар фонди мазмун жиҳатидан бой, тўғри бўлганлигидан далолат беради. Чунки лицей кутубхоналарининг ҳомийлари фондни тўлдиришга яқиндан ёрдам берадилар. Ҳомийлар учун билимли талабалар, кадрларнинг сифати муҳим. Мактаб ва болалар кутубхоналари тўғрисида эса бундай кутубхоналар фондини тўлдириш, мазмунан бойитиш амалга ошириш қийин бўлиб келаётган муаммодир.

Бу муаммо тез эътибор бериб ҳал этиш керак бўлган масаладир. Вақт кутмайди. Ёш авлод тез ўсаяпти. Уларнинг билимлилиги ва маънавий бойлиги, бизнинг фаровон келажагимиздир. Жаҳонда давлатлар фақатгина табиий бойликлар, саноатдаги ютуқлари билангина эмас, балки маънавий бойликлари билан юқори ўринга чиқадилар. Маънавий бойлик фақатгина билим, китоб орқали амалга оширилади. Билим берувчи асосий манба эса китобдир. Маънавият, маърифат, маориф, билим олишнинг асосий мезонида кутубхона ётади. Китобсиз кутубхонани тасаввур этиб бўлмайди.

Ёшларга хизмат қиладиган кутубхоналарнинг ишини янада яхшилаш учун бизнингча қуйидагиларга эътибор бериш зарур деб ўйлаймиз.

Биринчидан, ҳозирги даврда кутубхоналарда албатта олий ва махсус маълумотли кутубхоначи -библиографлар ишлашлари мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иккинчидан, кутубхоналар ишлаши учун қулай бино ва хоналарда жойлашиши, унда китоб фондини сақлаш учун мосланган жой, китобларни таъмирлаш, ишлов бериш, ҳисобга олиш хоналари, китобхонлар учун етарли бўлган ўқув зали, шинамгина китоб бериш бўлими бўлса нур устига нур бўлур эди. Қолаверса, бу хоналарни керакли кутубхона мебеллари билан жиҳозлаш, дид билан безатиш, саранжомлик янада ишни тўғри ташкил этиш гаровидир.

Учинчидан, кутубхона фондлари ўқув режаси асосидаги янги ёзилаётган дарсликлар, қўшимча адабиётлар, ҳамда замонавий ёзувчи ва шоирларнинг асарлари , китобхон қизиқаётган мавзуларни ёритаётган адабиётлар билан мунтазам тўлдириб борилиши зарур. Тўртинчидан, кутубхоналар керакли карточкалар, формулярлар, махсус кутубхона дафтарлари, ишни яхши ташкил этиш учун услубий тавсияномалар, қўлланмалар, кутубхона-библиографик жадваллари билан таъминланишлари керак.

Маъмура ЗОҲИДОВА,
маданият институти катта ўқитувчиси

ЖОНДОРЛИК ЖОНБАХШ МУАЛЛИМ

Ta'lim fidoiylari

Бухоро вилоятининг Жондор туманидаги 127 - лицей-интернат муқаддас сана – 1991 йил 1 сентябр, Ўзбекистон Мустақиллиги куни ишга тушган. Бугунги кунда ушбу даргоҳ 280 нафар иқтидорли ўқувчига замон талабига мос билим бермоқда. Ҳар йили лицей - интернат ўқувчиларининг 90-92 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга кирмоқдалар. Бу Республика лицейлари ўртасида анча юқори кўрсаткич. Бундай кўрсаткичга эришишда илмгоҳ директори Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, олий тоифали муаллим, Иброҳим Шодиевнинг хизмати катта. Бунда директорнинг иш тажрибаси алоҳида ўрин тутади. Ахир, моҳир раҳбар изланувчан инсон Иброҳим аканинг педагогик фаолиятига 37 йил тўлаяпти.

Лицей-интернат очиш режаси тузилганданоқ туман ва вилоят раҳбарлари иш тажрибалари бир неча маротаба оммалаштирилган, тадбиркор ва шижоатли раҳбар сифатида вилоят педагоглари ичра танилиб қолган И.Шодиевга директорлик лавозимини ишониб топширдилар. Иброҳим ака бундай ишончга қандай эришганини билиш учун унинг олдинги меҳнат фаолиятига бир назар ташлаш кифоя.

У 1963 йилда Бухоро педагогика университетини битириб, Жондор туманидаги 14-сонли қишлоқ мактабида физика-математика ва ишлаб чиқариш асослари фанидан дарс бера бошлади. Ўқитувчилик фаолиятининг дастлабки йилидаёқ фидокорона меҳнат қилиб, мактабда илгари мавжуд бўлмаган физика кабинетини ташкил қилди, жиҳозлади. Ўзининг ва ўқувчиларнинг кучи билан турли физик асбоблар, кўргазмали қуроллар ва 1200 дан зиёд физика бўлимларига мос чизмалар тайёрлади. Мактабдаги эски жиҳозларни таъмирлаб, лаборатория ва практикум ишлари учун ўзгарувчан ва ўзгармас электр токли хона ҳозирлаб, ўқувчиларда физикага оид амалий кўникмалар ҳосил қила бошлади. Бу ҳали ёш муаллим ишининг бошланишигина эди холос. У ўз муаллимлик фаолиятига асос яратиб олгач, биринчи йилданоқ мактаб ўқувчилари ўртасида «Ёш физиклар» танлови, кеча ва дастурларини рисолада-гидек ўтказа бошлади. Ҳа, шундай бўлгач, кейинги икки йилда 14-мактаб физика фани ўқитилиши ва ўқувчиларнинг шу фанга доир билимларининг юқорилигига кўра туманда 1-ўринга чиқиб олганидан ажабланишнинг ҳожати йўқ. Юқори савияли дарслари билан, қишлоқ ёшларининг физикага оид билими сифатини икки йил ичида 84 % га ошира олган устознинг ҳурмати ҳам «100 %» га ошди. Шунинг учун ҳам Иброҳим ака ўз ўқитувчилик фаолиятининг учинчи йили бошидан, педагогик жамоат талаби билан шу мактабга директор этиб тайинланди.

Тиниб-тинчимас инсон, Иброҳим ака директорлик фаолияти бошиданоқ мактабда фан кабинетларини кўпайтирди. Кейинги йили эса, мактабда кимё фанидан вилоят миқёсида семинар ўтказилди ва директорнинг ташкилотчилик ишига биринчи ўрин берилди. Туманда қолоқ бўлган мактаб вилоят бўйича илғор мактаблар қаторига қўшилди. Мактаб атрофида токзор ва боғ-роғлар яратилди.

Иброҳим Шодиев изланишдан чарчамади, матбуотда ёшлар тарбиясига оид кўплаб мақолалар ёзди, турли илмий кенгашларда мунтазам қатнашиб, долзарб мавзуларда фаол чиқишлар қилиб турди. Вилоят ва Республика миқёсидаги педагогик ўқишларда ўта фаоллик билан қатнашиб деярли ҳар гал тақдирланди, тинимсиз-чексиз меҳнатлари эвазига «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» нишонини қўлга киритди.

Ўзига ҳам ўзгаларга ҳам қаттиқ талабчанлик билан фидокорона фаолият кўрсатаётган тадбиркор раҳбар саъй-ҳаракатлари туман раҳбарияти назарига тушди. Уни туман марказида очиладиган янги касб-ҳунар мактабига директорликка ўтказдилар. Иброҳим ака у ерда. МЎИЧ – I ни ташкил этишда катта меҳнат қилди, 12 хил касб таълимини жорий этиб, кабинетларни талабга мос равишда жиҳозлади. Илмгоҳда трактродром, полигон қурди. Тикувчилик, слесарлик, рассомчилик, тракторчилик, ҳайдовчилик, дурадгорлик ва бошқа касблар учун ҳақиқий гувоҳномалар берилишига интилди. Ўқув комбинатида 1983 йили республика ёшларининг слёти ўтказилиб МЎИЧ -I ўқувчилари унда фахли I ўринни олдилар ва «Халқлар дўстлиги» саройида совринларни тантанали равишда қабул қилдилар.

МЎИЧ – I ҳам энг илғор таълим масканларига айлангач, И. Шодиевни туман марказидаги 1-ўрта мактабни кўтариб бериш учун унга директор қилиб ўтказдилар.

1-ўрта мактабнинг янги директори, янги бинода, янгича тартибда иш бошлади. У ўз раҳбарлик тажрибасига суяниб амалга оширган қатор интилишлари натижасида мактабнинг нуфузи орта бошлади. Ҳар йили мактаб ўқувчиларининг 10-13 нафари ўқишни «имтиёзли» шаҳодатнома билан битира бошлади, ҳар бир синфдан 15-18 нафарлаб ўқувчилар турли олий ўқув юртларига кира бошлади. Мактаб Бухоро педагогика университети ва малака ошириш институти билан алоқа боғлади. Мактабда вилоят миқёсида «Физикавий билим беришда замонавий техник воситаларнинг роли» мавзуида семинар ўтказилди. Унда очиқ дарслар кузатилиб ўқитувчи дарсига юксак ўрин берилди.

Ана шундай ишлардан кейин, қадами етган таълим масканини илғорлар сафига қўша олаётган тажрибали раҳбар И. Шодиев мақола бошида номи зикр этилган лицей-интернатга директорликка тавсия қилинган эди.

Хуллас, лицейга биринчи танловда 196 нафар ўқувчи қабул қилиниб улар мустақилигимизнинг биринчи кунидан таҳсил ола бошладилар.

Бугунги кунда лицейда 15 та фан бўйича замонавий кабинет, компьютер ва лингофон хоналари ишлаб турибди. Бу даргоҳда 15 нафар олий ва 10 нафар 1-тоифали ўқитувчилар ёшларга таълим бермоқдалар. Лицей фаолиятининг дастлабки 4 йилидаёқ унинг ўқувчилари Республика миқёсидаги беллашувларда, олимпиадаларда фаол ва муваффақиятли иштирок эта бошлашди.

37 йилдан бери фидокорона меҳнат билан тиниб-тинчимаётган серғайрат раҳбар Иброҳим Шодиев 60 ёшга тўлди, лекин ҳамон унинг қалбида ғайрат-шижоат жўшқин. У раҳбарлик қилаётган лицейнинг олий ўқув юртлари, ўқувчиларнинг ота-оналари, ҳомийлар билан алоқаси жуда яхши йўлга қўйилган. Ўқитувчиларнинг дам олишларига боғлиқ ибратли ишлар қилинган, қилинмоқда. Қисқаси, ўз ишининг моҳир устаси Иброҳим Шодиевдан лицей ўқитувчилари ҳам, ўқувчилару уларнинг ота-оналари ҳам миннатдор.

Шуҳрат ЙИГИТАЛИЕВ

Sport maydonchasi

НАТИЖАЛАР ЁМОН ЭМАС

Жанубий Кореяда триатлон бўйича ўсмирлар ва катталар ўртасида Осиё чемпионати ўтказилди. 12 та мамлакатнинг 500 нафарга яқин спортчилари иштирок этган ушбу мусобақада Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишган 5 спортчимиз кутилганидан кўра яхшироқ натижалар кўрсатдилар, ҳатто улардан бири В. Растригин кумуш медаль совриндори бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАРИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

29 июль куни Ўзбекистоннинг сув спорти бўйича аёллар терма жамоаси Италиянинг Катания шаҳрига III жаҳон чемпионати мусобақаларида қатнашиш учун жўнаб кетди. Саралаш мусобақаларидан муваффақиятли ўтган терма жамоамиз Италияда Осиё минтақаси шарафини ҳимоя қилишади. Ушбу чемпионатнинг биринчи турнири Ўзбекистон ва Бразилия терма жамоалари учрашуви билан бошланади.

ЖАННАНИ ЗАБТ ЭТАМИЗ

Ўзбекистон альпинистлари ҳали инсон оёғи етмаган Жанна (7710м) чўққисининг шимолий деворини забт этиб, оламшумул иш қилишга қарор қилдилар. Ҳимолайнинг энг гўзал чўққиларидан бўлмиш Жаннани забт этиш шу пайтгача энг довюрак альпинистларнинг ушалмас орзуси бўлиб қолаётганди. Ҳамюртимиз, машҳур қояошар Илёс Тухватулин ўз шериклари мазкур чўққини забт этишга чорлаб, улар билан тайёргарликни бошлаб юборди. Ўйлаймизки, яқин орада Жанна чўққисида Ўзбекистон байроғи ҳилпирайди.

МУСОБАҚАЛАР ЯНГИЧА ТИЗИМДА ЎТАДИ

Халқаро шахмат федерацияси (FIDE) жаҳон чемпионати мусобақаларининг янгича тизимини ишлаб чиқди. Унга кўра, сайёрамизнинг энг кучли 100 нафар шахматчиси бир пайтда, бир ой давомида жаҳон чемпионлигини қўлга киритиш учун тахталарда куч синашади. Албатта, улар орасида минтақавий беллашувларда муваффақият қозонган ҳамюртимиз, халқаро тоифадаги гроссмейстер Рустам Қосимжонов ҳам бўлади.

ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЯНА БИР ҒАЛАБА

Бадиий гимнастика бўйича Измир шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мусобоқада жаҳоннинг 8 та мамлакат спортчилари иштирок этишди. Ушбу турнирда қатнашган спортчиларимиз яхши натижаларга эришишди. Жумладан, мураббий В. Шевченко шогирди Настя Берестецкая ҳамма машқларни қойилмақом қилиб бажариб, кўпкурашда фахрли 1-ўринни қўлга киритди.

«ШАРҚ» ГАВҲАРИ

Халқ бўлишнинг бирламчи шарти - озодлик, ҳурлик, эркинлик ўша миллатнинг эътиқод даражасига кўтарилишидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами бугун халқимизнинг энг муътабар байрамларидан бирига айланиб бораяпти. Демак, кўнгилларда озодликнинг эътиқодлашув жараёни кечмоқда. Бир мисол: кеча пойтахтимиздаги Бадиий академиянинг кўргазмалар залида, Мустақиллигимизнинг 8 йиллигига атаб Миллий ахборот агентлиги ҳамда Бадиий академия ҳамкорлигида Самарқанд вилоятига бағишланган «Шарқ гавҳари» фотокўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмада вилоятнинг тарихи, маданияти, иқтисодий салоҳияти, санъатини акс эттирувчи юзга яқин фотосуратлар, халқ амалий санъати намуналари намойиш қилинди.

Кўргазмада намойиш қилинаётган экспозициялар билан танишар экансиз, бепоён буғдойзорларга, сизга кулиб турган нуроний отахонларга боқиб тинчликнинг, ҳурликнинг қадрини яна бир бор ҳис қилгандек бўласиз.

МУХБИРИМИЗ

Мутолаа

СПОРТ ФЕСТИВАЛИ ҒОЛИБЛАРИ

Навоий шаҳар халқ таълими бўлими мактаб ўқувчиларининг ёзги дам олиш мавсумини мароқли ўтказиш учун қатор тадбирлар уюштирмоқда.

Жумладан, уларнинг яқинда Навоий шаҳар ҳокимлиги, шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда шаҳар "Камолот" ёшлар жамғармаси билан ҳамкорликда 11 та болалар дам олиш оромгоҳлари ўртасида ўтказишган спорт фестивали ниҳоясига етди.

Унда дам олиш оромгоҳларидан ташкил топган жамоалар спортнинг 7 тури: волейбол, баскетбол, мини футбол, шашка, сузиш, стол тенниси, енгил атлетика бўйича куч синашди.

Уч босқичда ташкил этилган мусобақа якунида биринчи ўринни — «Тоғлик», иккинчи ўринни — «Лочин», учинчи ўринни — «Учқунча» дам олиш оромгоҳларининг ёш спортчилари қўлга киритишди.

Ўткир ПЎЛАТОВ

Xullas...

ТАЛАБАЛИК КАФОЛАТЛАНДИ

Компьютер ўйинларига ҳар кимнинг ҳам ақли етавермайди. Тюмендаги нефтчилар шаҳарчаси Пит-Яхда бўлиб ўтган компьютер ўйини мусобақасида саккизинчи синф ўқувчиси Алексей Кузнецовга омад кулиб боқди.

Бу ақлли машина экранида мураккаб ва қизиқарли операцияларни бажарган Алексей ажойиб совринга эга бўлди. Энди унинг шахсий компьютери бор.

Йигитчанинг мактабни тугатишига уч йил қолди. Илгари педагог бўлиб ишлаган шаҳар мэри Леонид Асеев шуни маълум қилдики, ғолиб ўн биринчи синфни тугатгандан сўнг Тюмен давлат университетининг филиалига имтиҳонсиз қабул қилинади. Ўқиш учун харажатлар эса шаҳар маъмурияти томонидан қопланади.

ҚАТЪИЙ ҚАРОР

Саудия Арабистони Ички ишлар вазирлиги узоқ муддатдан бери давом этаётган баҳсга нуқта қўйди. Бу енгил автомашиналарни хотин-қизларнинг ҳайдаш-ҳайдамаслиги ҳақидаги тортишув эди. Қарор қатъий: аёлларга рул бошқариш мумкин эмас.

Кейинги йилларда бу мамлакатда хотин-қизларнинг мавқеи ошди. Олий маълумотли бўлиш, катта мулкка эгалик қилиш аксарият аёлларда кузатилмоқда. Лекин шариат қонунларига кўра, ҳайдовчилик гувоҳномасини аёл зотига бериш мақсадга мувофиқ эмас.

Қисқаси, машинани эркаклар бошқарсин...

СУВАРАКЛАР «ДЎСТЛАШУВИ»

Нижневартовск (Россия)даги кичик туманларда зудлик билан дезинфекция ишлари бошлаб юборилди. Аҳоли турар-жойларда кўпайиб кетаётган суваракларнинг бошқача хилидан шикоят қилган эди.

Шаҳар дезинфекция станциясининг бош шифокори Виктор Жамберов таъкидлайдики, бу суваракларнинг одатдагисидан улкан, ранги оч сариқ. Тутқич бермасдан югуриши эса ўша-ўша...

Энтимологлар ташвишда: бу суваракларнинг маҳаллий «биродарлари» билан «дўстлашса», яна мутлақо бошқа турдаги ҳашарот пайдо бўлса-я...

ЧАҚМОҚ — АЖАЛ

Сарлавҳани ўқиб ажабланмаётгандирсиз. Чунки чақмоқ уриши туфайли бевақт ўлимга рўпара келиш бор гап.

Ногинск шаҳар касалхонасига 13 ёшдаги беҳуш бола келтирилди. От заводида хашак майдалаётган бир тўда кишилар кучли ёмғир остида қолишди. Чақмоқ чақиб, атроф ёришди. Хашакчилар дарахт панасига бекиниши-ди. Йигитча эса бунга улгурмади. Кутилмаганда унинг бошига урилган чақмоқ...

Бундай балолардан Тангрининг ўзи асрасин!

ana shunaqa gaplar...

Tarbiya taomili

БЎЛАР ЭЛНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ БЎЛАЙЛИК

Ҳар ким ўз элида даврон сурадир,
Мардлар элин тўғри йўлга бурадир.
Бўлар элнинг фарзандлари ботирлар,
Оёқларин кесишса ҳам юрадир.
... Ўйланиб қоласан. Бўлар элнинг фарзандлари ... кимлар?

Ушбу саволларга жавоб излар экансиз, боболаримизнинг фарзанд тарбиясидаги донишмандликларига қойил қоласиз. Хўш, аждодларимизнинг тарбия бобидаги бу донишмандликлари нималардан иборат эди?

Биз ушбу савол билан фарғоналик машҳур полвон Турсун Али Қурбоновга мурожаат этдик.

— Илгари ота-боболаримиз ўғил болалар тарбиясига жуда катта эътибор берганлар. Агар ёш жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, бола 5 ёшгача подшоҳ, етти ёшдан 14 ёшгача хизматкор, 14 ёшдан 18 ёшгача эса кичик ука, бу ёшдан кейин дўст бўлган. Ўзи учун дўст тарбияламоқчи бўлган ота фарзанди тарбиясига ана шу тарзда ёндашмоғи лозим.

Хўш, нега бола 5 ёшгача жазоланмаган ва подшоҳ дейилган? Чунки бола бу пайтда дунёни англай бошлайди. Ҳол-жонингизга қўймай, савол устига саволлар беради. Ва ана шу вақтдаги дунё тафсилотлари бола тасаввурига жойлашиб қолади. Масалан, бир марта иссиқ чойнакка қўлини қўйдириб олса, қайта чойнакни ушламайди. Ва шу тариқа болада атрофдаги ҳар бир нарсага нисбатан маълум муносабат пайдо бўлади.

Бу ёшга хос хусусиятлардан бири, ўзига ишонч туйғусини бериш керак. Яъни, у бирор яхши иш қилса, дарҳол уни рағбатлантириш керак. Шунда болада шу ишни қилиш истаги пайдо бўлади.

Энг асосий жиҳатлардан бири, болани бу ёшда жазолаб бўлмаслигидир. Агар бола қаттиқ қалтак еса, руҳи синади ва кейин бир умр ҳар нарсадан чўчийдиган бўлиб қолади.

Ёш болага, айниқса, қўрқинчли, ваҳимали нарсаларни айтмаслик, киноларни кўрсатмаслик лозим. Баъзи ота-оналар ҳатто ухламаётган боласини «ажина келяпти» деб қўрқитишади. Бола ухлагач эса шу нарсаларни тушида кўради.

Қўшнимизнинг битта ўғли бор эди. Ёшлигида ота-онаси уни «ёт, қўли йўқ, оёғи йўқ келяпти» деб қўрқитишган. У ҳатто 10 ёшдан ўтганда ҳам шундан қўрқарди. Мен унга «қўли йўқ, оёғи йўқ» нарса бўлмайди, нега қўрқасан, деб тушунтирсам ҳам, у барибир шу сўздан қўрқишини қўймасди. Чунки шу қўрқув унинг хотирасига ўрнашиб қолган ва энди бу қўрқувни чиқариб юбориш қийин бўлади.

5 ёшдан 7 ёшгача болага нима қилиши мумкин ва нима қилиши мумкин эмаслигини ўргатиш керак. Ҳар бир айтган гапига, ҳар бир қилган ҳаракатига жавоб бера олишни ўргатиш керак. Шунда болани субутсизликдан сақлаб қоламиз. 7 ёшдан 14 ёшгача болани нега хизматкор дейилади? Чунки энди фарзанд тарбиясида, боладан ҳар бир ишни талаб қилиш керак. Берилган ваъдани бажариш ҳар қандай ҳолатда ҳам унга шарт бўлиб қолсин.

Боболаримиз 14 ёшдан 18 ёшгача болалар тарбиясида чекиниш лозимлигини сезишган. Шунинг учун ҳам бу ёшда бола кичик ука бўлсин дейишган. Бу ёшда гўё болани ҳеч ким тушунмаётгандек туюлаверади. Чунки у ҳали катталар дунёсига кириб боргани йўқ, кичиклар дунёсидан эса узилган. У ёлғиз қолган. Шундай пайтда ота уни тушунишга ҳаракат қилиши керак. Шунда бола отасига сирларини айтадиган бўлади ва улар умрбод дўстга айланади.

Булар бари боланинг руҳий тарбиясига тайёргарликдир. Руҳи кучли одамнинг ҳаракатлари дадил, ўзи мақсадга интилувчан бўлади. Бизда советлар даврида жисмоний куч биринчи ўринга қўйиб келинди. «Соғ танда соғлом ақл» дейиларди. Аслида тескариси бўлиши лозим. Чунки руҳий тарбия биринчи ўринда туради.

Болага куч фалсафий нуқтаи назар билан қарашни ўргатиш лозим. Бақувват бўлиш кимнидир уриш, жазолаш учун эмас, балки ўзининг ва кучсизларнинг ҳимоясига туриш учун керак. Куч — ўзига ишонч ва хотиржамлик олиб келиши лозим. Ўзига ишонган одам босиқ, кечиримли бўлади. Пайғамбаримиз ҳадисишарифларида ҳам «ичингизда энг кучлиларингиз кимлигингизни айтайми, бу — ўзига ўзининг кучи етганларингиздир» деб марҳамат қилганлар.

Аллоҳ берган кучни яхшиликка ишлатсак, руҳимиз тетиклашади ва кучни ўзимизга хизмат қилдирган бўламиз. Биз болаларга ана шундай тарбияни сингдиришимиз лозим.

Турсун Али полвоннинг гапларини тинглаб туриб шоирнинг ушбу мисралари беихтиёр ёдингизга тушади.

Мард дунёга келган тупроқ зўр бўлар,
Номард оёқ босган тупроқ шўр бўлар.
Бўлмас элнинг фарзандлари ботирлар,
Икки кўзи очиқ туриб кўр бўлар.

... Энди ўйланиб қоласан. Бугун болаларимизга Ватан, Миллат, Озодлик ҳақида ҳеч чўчимай гапираяпмиз. Демак, бугун кўзларимиз очиқ. Илоҳим, шу бахт бошимизда мангу бўлсин!

Суҳбатдош: Алишер НАЗАР

ГУЛНОРАГА АТАЛГАН ГУЛЛАР

Ўтган йили эди. Саратоннинг сели анча товсилиб қолган. Ҳар ҳолда чойни фақат чанқовбосди учун эмас, мазасини оғизда қолдириб ичиш имкони бор маҳаллар. Шу тахлит чой ичиб ўтирган эдик, хонага бир қиз кириб келди. Жонсараклиги шундоқ юз-кўзидан маълум.

«Бир танлов ўтказаётган эдик, шунга ҳакам сифатида қатнашсаларингиз». «Ўтиринг» деган таклифимизни эшитмади, шекилли (ташқарида авжида бўлган қурилишнинг чанги эмас, шовқини хонани бўй-басти билан тўлдирганди), тикка турган ҳолда биринчи айтган гапи шу бўлди. Розилигимизни олгач, шамолдай қандай кириб келган бўлса, шундай шошқин чиқиб кетди.

Хўп дейишга хўп дедигу, кейин иштибоҳга бордикки, «Пўконидан ел ўтмаган иккита билағон чиқиб, китобдан ёд олган сўзларини бурро-бурро қироат қилиб берса керак» деб.

Хуллас, ушмундоқ иштибоҳ таклиф қилинган жойга етиб боргунимизча бошимизда соябон бўлиб турди. Бироқ, танловнинг илк дақиқаларидаёқ, тепадаги кўланкалар тарқади-кетди. Жуда серзавқ, табиий беллашув бўлди. Айниқса, саҳна шундоқ безатилган эдики, мисоли театр дейсиз. Орқамда ўтирган бир аёл (синчков экан, мухбирлигимни билибди) бизнинг олдимизга келган қизни кўрсатиб, «ҳаммаси шунинг иши» деб секин шипшитди. Ёнимда ўтиргани эса, мени каттаконлардан деб ўйлади шекилли, ёрдам-пордами тегиб қолар деган ўйда, «совға-саломларни ҳам ўзининг ҳисобидан олади» деб гап қистирди. Алоҳа, қизиқишим ортганидан-ортиб, беллашувдан сўнг, қизни суҳбатга тортдим.

— Гулнора Пўлатоваман.

Nihol

Республика ўқувчи ёшлар марказида услубчи бўлиб ишлайман. Билим юртлари, мактаблар ўртасида ўнга яқин шунақа беллашувлар ташкил этдим.

— Ташкилотчилик қобилиятингиз бор эканда?

— Қобилиятни билмадиму, болалар билан ишлашни яхши кўраман. Улар билан тез тил топишаман.

— Кечалар ташкил этаётганингизда кўп нарсаларни ўзингизнинг ҳисобингиздан қилар экансиз?

— Бу томонларини ўйламайман. Муҳими — яхши, чиройли ўтсин.

Бу энди ўтган йилги гаплар. Яқинда Гулнорани яна кўриб қолдим.

Елиб-югуриб кетаётган ерида аранг тўхтатиб қолдим. Хиёбондаги арғувон остида соялаб, пича суҳбатлашдик.

— Ҳозир Юнусободдаги радиотехника коллежида ишлаяпман. Радиостудия, тикувчилик, пазандачилик, рақс тўгаракларини очдим. Ҳозир таътил бўлишига қарамай, қирқтача талаба мунтазам қатнашяпти.

— Намунча шошқин юрибсиз?

— Саҳнани таъмирлатяпман. Дунёда яхши одамлар кўп-да. Бир қурилиш фирмасига бордим. Директорига «шундай-шундай қилиш керак эди» деган эдим, «болалар учун текин қилиб берамиз» деб айтди. Очиғи, қувонганимдан кўзимдан ёш чиқиб кетди. Ҳозир шунинг югур-югури.

— Ниятлар қанақа?

— Директоримиз билан маслаҳатлашдик. Бирорта мактабни оталиққа олиб, ўқувчиларни қизиққан касбларига тайёрламоқчимиз. Яна оз-моз топган маблағларимизни коллежга сарфламоқчимиз. Хуллас, иш кўп.

Шундан сўнг, хайрлашдик. Гулнора одатдагидай яна жадал ташвишларига қараб кетди.

* * *

Ҳув ўша танловдан кейин, беллашув иштирокчиларининг ҳаммаси Гулноранинг қучоғини гулдасталарга тўлдириб ташлашди. Бу унга аталган гуллар эди. Бундай гуллар ҳали кўплиги шубҳасиз. Ҳарҳолда биз шундай деб ўйлаймиз.

Асқар ШОКИР

Mutaxassis maslahati

СОҒЛОМ ЮРАК — УЗОҚ УМР ГАРОВИ

Юрак — инсон туғилмасдан бошлабоқ, то умрининг охирги дақиқаларигача сира тўхтамай, жуда улкан иш бажарувчи кичик, атиги 300 гр келадиган бир аъзодир. У бир минутда 70-80 марта қисқариб, ўртача 5 литр, бир соатда 300 литр, бир суткада эса 7-8 ва ҳатто 10 тоннагача қонни ҳайдаб беради. Юрак қон-томир касалликлари асримизнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Қон босимининг кўтарилиши (артериал гипертония), қон босимининг пасайиши (артериал гипотония), атеросклероз, юрак гигиеник хасталиги (стенокардия, миокард инфаркти, кардиосклероз), мия инсульти каби касалликлар ва уларнинг асоратлари туфайли аҳолининг бир қисми ногирон бўлиб қолаяпти, бевақт ҳаётдан кўз юмаяпти. Олиб борилаётган тиббий кузатувлар натижасида бу касалликлар кейинги ўн йилларда ёшариб бораётганлиги, яъни фақат қариялар эмас, ўрта ёшли кишиларда ҳам кўп учраётганлиги аниқланди.

Олимларнинг таъкидлашича, касалликларнинг келиб чиқишида юрак-қон томирларининг ҳолати катта роль ўйнайди. Бу қон томирларининг ҳолати, аввало, уни бошқариб турган асаб тизими, асаб томирларининг фаолияти, сўнгра аъзои-бадандаги модда алмашув (ёғ алмашинув) ҳолатига боғлиқ.

Статистик маълумотларга кўра, ривожланган давлатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам юрак-томир хасталиклари кенг тарқалган дардга айланмоқда. Бунинг биринчи сабаби, ҳозирги замон шароитида яшаётган инсон, аввало, таркибида кўп миқдорда ёғ, углеводлар, холестерин туз ва бошқалар бўлган юқори калорияли овқат истеъмол қилишидадир. Олимларнинг таъкидлашича, бу нарса семириш, гипертония, атеросклероз, қанд касаллиги, подагра каби юрак гигиеник касаллигининг (юқ)нинг ривожланишини тезлатувчи касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Иккинчи сабаб — тамаки (нос) чекиш. Юрак гигиеник касаллигидан тўсатдан ўлиш ҳодисаси чекмовчиларга нисбатан кашандалар орасида беш марта кўп содир бўлиши кузатилган.

Учинчи сабаб — кам ҳаракатлик. Кам ҳаракатли ҳаёт тарзи, маълумки, киши организмидаги калория баланси бузилиши оқибатида семиришга сабаб бўлади.

Тўртинчи сабаб — алкоголь. Спиртли ичимликлар кўпинча миокард инфарктининг рўй беришига сабабчи бўлади. Тўсатдан юз берувчи ўлим ҳодисаларининг 40 фоизи ичкилик ичиш билан боғлиқ бўлиши аниқланган.

Келтирилган ана шу тўрт сабабдан ташқари тез-тез содир бўлувчи ҳаяжонланиш, турмуш жараёнидаги турли жанжаллар, бошқа нохуш шароитлар ва шу каби омиллар ҳам юрак ишемик касаллигининг ривожланишига туртки беради ва буларнинг барчаси бирга қўшилганда яна ҳам зўраяди.

Юракнинг ишемик касалликлари асосан уч хил кўринишда бўлади (стенокардия, миокард инфаркти, кардиосклероз). Стенокардия ишемик касалликларнинг енгил хили бўлиб, «кўкрак қисилиши» деган маънони билдиради. Чап томон кўкрак устида оғриқ, нохушлик, баъзан ачишиш аломатлари бўлиб, кейинчалик шикоят чап елкага, чап кўкрак ва умуман чап қўлнинг панжаларига ўтадиган бўлади. Бу шикоятлар хуруж шаклида бўлиб, йил давомида бир неча маротаба қайтарилиб, сўнг тез-тез учрайдиган бўлади, баъзан ҳар куни қайтарилиб туради. Хуруж кўпинча асаб тизимининг қаттиқ изтироблaниши, руҳан эзилиш, кучли ўйлаш, ташвишланиш, чарчаш вақтларида пайдо бўлади. Агарда хуруж касалликнинг тинч ҳолатида, асаб бузилмаган ҳолда ҳам учраб турса, бу стенокардиянинг оғир хили ҳисобланади.

Стенокардия ўз вақтида қунт билан даволанса, ҳеч қандай асоратсиз ўтиб кетиши ва бемор соғайиб кетиши мумкин.

Миокард инфарктида юрак мускулларининг маълум бир қисмида қон айланиши бузилади ва касаллик кўпинча бирданига бошланади. Кучли ҳаяжонланиш, изтироб, руҳан эзилиш касалликка сабабчи бўлиши мумкин. Кутилмаганда юрак устида кучли оғриқ, жизиллаб ачишиш ва ҳатто куяётгандай сезгилар пайдо бўлади. Баъзан оғриқ ниҳоятда кучли бўлиб, бемор кусиши ва ҳушидан кетиши мумкин. Бундай беморлар инфарктдан олдин кўпинча бир неча ой ёки бир неча ой давомида стенокардия билан оғриб юрган бўладилар. Инфарктни ниҳоятда эҳтиётлик ва қунт билан даволаниши зарур бўлган оғир касалликдир.

Кардиосклероз хил касаллик юрак мускулларининг склероз ҳолатига учраб ўз вазифасини етарли даражада бажара олмаслигидир. Олимларнинг таъкидлашича, бу стенокардия дарди инфарктдан кейин пайдо бўлиши ёки кишининг ёши улғайиши билан аста-секин ўзича ҳосил бўлиши мумкин. Бемор ўзида ҳансираш, юрак ўйнаш, нафас қисиш каби аломатларни сезади.

Албатта, ҳар бир касалликни даволашдан кўра олдини олмоқ, анча осон. Бунинг учун турмуш ва иш режимига қаттиқ риоя қилиш зарур. Вақтида ишлаб, вақтида дам олиш, зарур бўлса сайр қилиш, асаб томирларини ортиқ даражада қўзғалишдан, изтиробланишдан сақлаш лозим. Айниқса, ақлий меҳнат қиладиган кишилар югуриш, юриш, сайр қилиш, жисмоний иш, бадантарбия билан шуғулланиш учун вақт ажратишлари зарур.

Юрак — томир хасталиги бор беморлар парҳезга ўтиши мақсадга мувофиқдир.

Ёғ ва жигар, углеводларни камроқ истеъмол қилмоқ керак. Буғда пиширилган карам дўлма, сабзи, лавлаги, йирик тортилган ундан ёпилган нон, оқсил гўштдан ташқари балиқ, сузма (творог), пишлоқ, тухум, нўхат, ловия, картошка, қовоқ, қуритилган мевалар шулар жумласидан. Бузоқ гўшти, арпа сўк, қора буғдой ёрмалари меъёрида еб турилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Асаби тез-тез бузилиб турадиган кишилар гўштни кам ейишлари, унинг ўрнига сут-қатиқ, ўсимлик маҳсулотларидан еб туришлари лозим.

Кекса ва юрак фаолияти бузилган кишиларга мол ёғи эмас, балки ўсимлик мойлари, масалан, кунгабоқар, маккажўхори ва пахта мойи истеъмол этиш тавсия этилади. Азиз юртдошлар, кўкрак қафасида, тўш суягининг ортида нохушлик ҳис қилсангиз, дарҳол шифокор-кардиолог ҳузурига боришни унутманг.

Юрак инсон саломатлигининг бош нуқтасидир. Хуш кайфият, инсоний муносабат ва соғлом ҳаёт билан уни асрай олинг.

Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент

Халқ таълими вазирлигининг "Таълим таъминот" Бош бошқармаси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси "Таълим таъминот" корхонаси директори Мақсад Файзуллаевга онаси **Абадан ФАЙЗУЛЛАЕВА** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Тонг юлдузи» газетаси жамоаси газета хатлар бўлими мудири **Маҳмуда ҲАЙДАРОВА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Рустам БОЙМАТОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0549. Тиражи 24.564.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти - 20.00.
Топширилди — 22.30